


*Adabiyot, madaniyat yashasa – millat yashaydi*

# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | ADABIY-BADIIY, MA’NAVIY-MA’RIFIY, IJTIMOIY GAZETA | № 52 (4607) 2020-yil 25-dekabr


## «УМРИМ БЎЛАР УЗУН...»

*Атоқли шоир, носир, драматург ва моҳир таржимон, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор таваллудига 100 йил тўлди. Шу муносабат билан устоз хотирасига бағишлаб юртимиздаги таълим муассасалари, кутубхоналар ва бошқа кўплаб ташкилотларда адабий-бадиий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан адиб яшаб ижод қилган хонадонга ўрнатилган ёдгорлик лавҳининг очилиш маросими, адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган фотосуратлар кўргазмаси, китоблари тақдимоти ҳамда Ёзувчилар уюшмасининг катта тадбирлар залида “Эл-юрт керак экан одамга” деб номланган хотира тадбири ташкил этилди.*









**Абдулла ОРИПОВ**

*Асқад Мухторга*

**Туман тушаётир қирларга сокин,**
**Дўрмон боғларида биллур қаҳратон.**
**Мажнунтол уватда ҳорғин олар тин,**
**Оппоқ сочларини ёйган паришон.**

**Ногоҳ уйқу ичра қарсиллар эман,**
**Атрофда сукутнинг ҳорғин нафаси.**
**Балки далаларга чўккан бу туман,**
**Йироқ юлдузларнинг сирли шарпаси.**

“Асқад Мухтор сўз хазинасига эга қаламкашлардан. Чертиб-чертиб, чиннидай жаранг берадиган сўзлардан силлиқ ва ҳар қайсиси ўз ўрнида, зарур ғишт қўя олади. Мен Асқад романларини ҳали китоб бўлиб чиқмасдан туриб ўқиб оламан. Асқад шеърларидаги етуклик ва юксак дидга чинакам ҳавас қиламан”, деб ёзган эди устоз Миртемир.

Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган хотира кечасини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид олиб борди. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Иброҳим Ғафуров ўз сўзида Асқад Мухтор яшаган давр, унинг машаққатли болалик йиллари, улкан адиб даражасига етгунча босиб ўтган ҳаёт ва ижод йўли ҳақида маъруза қилди.

Асқад Мухтор “Шарқ юлдузи”, “Гулистон” журналлари, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигида бош муҳаррир лавозимида масъулиятли вазифаларни юксак даражада адо этиш билан бирга, ўзидан катта адабий мерос қилдирди. Ижодининг илк даврида “Пўлат қуювчи”, “Ҳамшаҳарларим”, “Чин юракдан” шеърий китоблари билан танилган шоир “Мардлик чўққиси”, “Яхшиликка яхшилик”, “Самандар” каби пъесалари билан драматургиямизда болалар ҳаётини, шунингдек, ишчилар турмушини ёритди. Унинг таржимасида Софокл, Тагор, Пушкин, Михаил Лермонтов ва бошқа кўплаб жаҳон адабиёти намояндаларининг дурдона асарлари ўзбек китобхонларининг маънавий мулкига айланди.

Адиб “Гулистон” журналида яратган адабий мактаб кўплаб шоирлар ва наср усталари етишиб чиқишига замин бўлган. Бу борада “Гулистон” журнали бош муҳаррири Маматқул Ҳазратқулов атрофлича тўхталиб ўтди.

Асқад Мухторнинг шогирдлари кўп, бугунги ёш қаламкашларгача адибнинг боғидан баҳраманд бўлиб келмоқдалар. Зотан, таниқли шоир Абдулла Шер ёзганидек: “Асқад ака миллатни уйғотишни, халқда миллий ғурур ва озодликка интилиш туйғусини тарбиялашни бош вазифа деб биларди”.

**Умрим бўлар узун,**
**Бирор дақиқаси беҳуда кетмас.**
**Аммо шу юртимни**
**Кўриб тўймоқ учун,**
**Севиб тўймоқ учун етмас,**
**йўқ, етмас**

деб ёзган эди Асқад Мухтор бир шеърида. Устоз адибнинг сўзлари ҳақиқат экани бугун яна бир бор ўз исботини топди. Юртини улуғлаш, севишни бугунги ёш авлод унинг асарларидан ўқиб ўрганмоқда.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон санъат арбоби Иброҳим Ғафуров, адабиётшунос Шуҳрат Ризаев, ёзувчининг ўғли Темур Мухтор ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар.

Адибнинг яқинда чоп этилган иккита китоби иштирокчилар эътиборига тақдим этилди.

Биринчиси, икки жилддан иборат “Baktria press” нашриётида чоп этилган “Танланган асарлар”и бўлиб, унга “Чинор” романи, “Бухоронинг жин кўчалари” қиссаси, ҳикоялари, шеърлари ҳамда бошқа асарлари киритилган. Шунингдек, Ёзувчилар уюшмаси ва “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ҳамкорлигида нашр этилган салмоқли “Асқад Мухтор” китоби тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Ҳар икки нашр ҳам “Ижод” фонди ҳомийлигида амалга оширилган.

Тадбир якунида ёзувчининг фарзанди Темур Мухтор сўз олиб, ташкилотчиларга миннатдорлигини изҳор қилди ва отасининг адабий мероси асрлар оша адабиёт дунёси ҳамда келажак авлоднинг маънавий камолоти йўлида хизмат қилишидан мамнун эканини таъкидлади.

**Ҳумоюн АКБАРОВ**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

## НАВОИЙ ХАЗИНАСИ

*Машойихлар сўзича, дунё мисоли бир китоб, сафар қилмаганлар унинг фақат бир саҳифасини ўқийдилар. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида «Журналист ва ҳаёт» лойиҳаси доирасида уюштирилган медиатур иштирокчилари ушбу ҳикмат замиридаги кўплаб маъноларни қайта кашф этишди. Юртимиз бўйлаб қанча сафар қилсангиз, ҳар гал янги ва такрорланмас таассуротлар олишингиз мумкин. Навоий вилоятида қисқа вақтда кечган салмоқли ўзгаришлар ижодкорларни хушнуд этди.*

Навоий шаҳрининг кенг, равон ва ораста кўчалари кўнгилга шукуҳ бағишлайди, суҳбат мавзуси ўз-ўзидан ҳазрат Навоийнинг ўлмас ғазалларига уланиб кетади. Яқинда фойдаланишга топширилган тўрт юлдузли “Тинчлик плаза” меҳмонхонасининг юксак пешайвонидан Нурота тоғлари кўриниб туради. Вилоятда янги бунёд этилган уй-жойлар, иншоотлар ва корхоналар билан батафсил танишиш тугул шунчаки кўздан кечириш учун ҳафталаб вақт керак бўлар. Шу боисдан Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг вилоят бўлими билан бамаслаҳат “сафар харитаси” тузилгани айни муддао бўлди.

Навоий шаҳридаги илк манзилимиз – «Baht-Textile» МЧЖ пахтани қайта ишловчи катта ва замонавий корхона эди. Турфа хил замонавий дастгоҳларда тола тўхтовсиз ўрмалайди, шифт остидаги улкан шаффоф қувурларда худди булутдек учади, ипакдек эшилиб-эшилиб, қордек оппоқ калаваларга ўралади. Пахтанинг таниш ва қадрдон иси анқийди. Одам бўйидан баланд улкан калавалар учи қаердан бошланиб, қаёққа кетаётганини англаш қийин. Ҳаммаёқ топ-тоза, янги бўёқланган ерда пойабзал худди қордагидек ғирчиллайди.

Медиатур иштирокчилари ишлаб чиқариш жараёни билан танишиш асносида корхона ишчи-ходимлари билан яратилган шароитлар ҳақида суҳбатлашишди. 2006 йилда ташкил этилган мазкур корхона пахтачилик бўйича вилоятдаги йирик кластер субъекти бўлиб, унда 1300 нафардан зиёд ишчи-ходим меҳнат қилади. 2019 йилда жамиятнинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 27 минг тоннага етказилди. Бу, кунига тахминан 75 тонна пахта қайта ишланади, дегани. Ана шундай суръатда корхона Навоий вилоятида етиштирилаётган пахта толасининг 70 фоизини қайта ишлаб, ярим тайёр ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Кенг ёпиқ майдонда оппоқ пахта толасининг дарёдек мавжланиши, турли босқичдаги ишлов жараёнлари кишида завқ ва ғурур уйғотади. Чунки бу ўз пахтамиз, заминимиз саховати. Ўнлаб эпчил-чаққон йигит-қизлар ўз ишларини билиб-билиб бажаришяпти.

Кейинги манзил – математика, физика ва инглиз тили фанларига ихтисослаштирилган мактаб-интернат бўлди. Ўз касбининг фидойиси бўлган инсонлардан меҳр-оқибат нурлари таралиб, барчани ўзига тортувчи қандайдир сирли оҳанрабоси бўлади. Мактаб-интернат директори Нурилло Яҳъёев ана шундай устозлардан бири. Домла фахр-ғурур билан сўзлайди. Бу мактабда медиатур иштирокчилари росмана яйрашди! Йўлаклардаги суратларни томоша қилиб, деворий газеталарни ўқиб, муаллимлар билан сўраша-сўраша бир синфга кирдик. Қарасак, ижодкорларнинг аксарияти парталарда ўтириб, ўқувчилар билан баравар дарс тинглашаётир. Ораларида домлага савол бераётгани, “мен жавоб берай”, дея қўл кўтариб турганлари ҳам бор. Буни кўриб завқланмай бўладими! Нурилло Яҳъёев болатабиат инсон, меҳмон журналистларга эмас, худди ўз ўқувчиларига дарс ўтаётган каби астойдил киришиб кетган.

Домланинг шогирди Зафар Жумаев Афинада ўтган халқаро фан олимпиадасида бронза медали соҳиби бўлган, ҳозир шу мактабда дарс бермоқда, маоши 8 миллион сўм. Шогирдлар эришган натижаларига қараб устозларнинг иш ҳақи ошиб боради. Ўқувчилар ихтиёрий равишда ўзига ўқитувчи танлаш ҳуқуқига эга. Зафар Жумаевнинг шогирдлари кўп, дарс соатлари ҳам бирмунча ортиқ. 360 ўринга мўлжалланган таълим муассасаси замонавий моддий-техника базаси билан жиҳозланган. Ўқув йили аввалида мактаб-интернатга ўқувчилар жиддий саралаб олинади. Ҳар бир синф хонасида китоб жавони, кичик кутубхона борлиги, айниқса, ибратли. Бўлғуси иқтисодчи ва математиклар орасида адабиёт мухлислари, шеър ва ҳикоялар машқ қилувчи ўқувчилар ҳам кўп. Шаҳар олимпиадасининг ғолибалари Юлдуз Ҳусанова ҳамда Нилуфар Сафарбоева ўз шеърларидан ўқиб, меҳмонларни хушнуд этишди. Ҳумоюн исмли ўқувчининг бадиий адабиётнинг аҳамияти ҳақидаги теран ва тиниқ мулоҳазалари устоз ижодкорлар олқишига сазовор бўлди.

– Вилоятда таълим соҳасининг қўллаб-қувватланиши, ўқитувчилар маоши ҳамда манфаатдорлигини ошириш мақсадида йўлга қўйилаётган ишлар бизни қувонтирди, – дейди таниқли шоира Зулфия Мўминова. – Энг муҳими, бундай саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Жорий йилда вилоятдаги умумтаълим мактабларини тугатган ўқувчиларнинг республикамиздаги олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари бўйича биринчи ўринда эканлиги фикримиз исботидир. Бу, албатта, Алишер Навоий бобомиз номи билан аталувчи вилоятда муносиб авлод тарбияланаётганидан дарак беради.

► 2

**Акмал НУР,**
**Ўзбекистон Бадиий академияси раиси**

*Инсониятга моддий ва маънавий маданиятнинг нодир намуналарини ҳадя этган қадимий тамаддун манзили, Шарқ Ренессансининг йирик марказларидан бири сифатида икки Уйғониш даврини бошидан кечирган, учинчи Ренессансга пойдевор яратаётган Ўзбекистон — буюк алломалар, бетакрор мусаввирлар, уста-ҳунармандларга бешик бўлган юрт. Бугунги замонавий ўзбек тасвирий санъати намояндалари, номдор вакиллари, сир эмас, ана шу қадим ҳамда бой маънавий меросимиздан қувват олмоқда, шу билан бирга, жаҳон санъатида кечаётган янгиликлар, ижодий изланишлардан эмин-эркин баҳраманд бўлмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирида туб бурилиш ясаган Мустақиллик берган неъматлардандир, десам янглишмаган бўламан.*

## ШАРАФЛИ БУРЧИМИЗ



Жамият турмуши, инсон маънавий ва маданий камолотида санъатнинг ўрни беқиёс экани тарихдан маълум. Шу боис, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ санъат соҳасига катта эътибор қаратилди, тетапоя бўлаётган Ўзбекистон олдида турган турли машаққат, қийинчиликларга қарамай, санъат ва маданият соҳаси ўз ҳолига ташлаб қўйилмади. Аксинча, бу соҳаларнинг равнақ топиши учун кенг имкониятлар яратилди, ғамхўрлик кўрсатилди. 1997 йили Ўзбекистон Бадиий академияси ташкил этилганининг ўзиёқ дастлабки йиллардан бошлаб миллий санъатимизни ривожлантиришга қаратилган эътиборга яққол мисол бўлади.

Бугун жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврига қизиқиш билан қарамоқда, Янги Ўзбекистон атамасини қўлламоқда. Ўтган даврни сарҳисоб қилиб, ифтихор билан айта оламизки, сўнгги йилларда дунёга том маънода янгидан юз тутдик, давлат, халқ сифатида қайтадан очилдик. Ҳар бир соҳада бўлгани сингари мамлакатимиз маданияти ва санъатида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди.

► 2

**Энахон СИДДИҚОВА,**
**Ўзбекистон халқ шоири, сенатор**

МУНОСАБАТ

## ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛ САРИ

*Яқинда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Қарорда барчамиз учун энг улуғ, энг азиз айёмга тайёргарлик кўриш юзасидан кўзда тутилган маънавий-маърифий тадбирлар тарих кўзгусида қолиши, шубҳасиз. Қарорнинг Янги йил арафасида имзоланиши эса, келгусидаги ишларимизни режалаштиришда муҳим йўналишлар беради. Янги йил янги орзулар рўёбига, эзгу амалларга йўл очади.*



Қарорда пойтахтимизда «Истиқлол» мажмуаси ташкил этилиши ва у ерда мустақиллигимизнинг мазмун-моҳияти ва тарихий аҳамиятини акс эттирадиган ёдгорлик композицияси барпо этилиши нафақат бу йил, келгусида ҳам улуғ байрам тантаналарининг юксак даражада ўтказилишига ўзгача шукуҳ бағишлайди. Келгуси авлодни Ватанга садоқат, халқпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, Тошкент шаҳрида барпо этилаётган ер усти метро ҳалқа йўлининг «Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз йиллиги» деб номланиши ҳам бугунги бунёдкорликдан ўчмас хотира бўлиб қолади.

Айни кунларда буюк тарихий ўзгаришлар даврини бошдан кечирар эканмиз, яъни “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” бораётган Ватанимиз тараққиётида ҳар бир ватандош юрт равнақи учун ўз ҳиссасини қўшиши, фидойиларча меҳнат қилиши порлоқ манзилларни яқинлаштиради.

► 2

**Нурилла ЧОРИЕВ,**
**«Ёшлик» журнали муҳаррири**

## «МАНГУ ЁРУҒ МАСКАНИМ МАНИМ...»

*Аждодларимиз неча юз йил орзу қилиб, бу муқаддас йўлда азиз жонларини гаровга қўйиб курашган – истиқлолга эришганимизга мана XXI асрнинг 21 йилида ўттиз йил тўлади. Бунда ҳам бир рамзий маъно бордек, назаримда. Ўттиз йил муқаддам бутун халқнинг тақдирини ўзгартирган бу қутлуғ сана миллатнинг фахри, мутафаккир бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги, бутун ижодининг асосида юрт мадҳи турган Халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллиги ва яна бир қанча ижтимоий, маънавий-маърифий, тарихий бурилиш паллаларни ёдга солиб, ёнма-ён келяпти. Бу ўттиз йил тарих чархи олдида қисқа муддат бўлса-да, аммо залворли давр ортда қолди. Бу даврни, шоир таъбири билан айтганда, дунё чаманимиз бўлди. Том маънода Ватан – Ўзбекистон ўзимизники бўлди.*



Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарорини ўқир эканман, кўз олдимда тоғни талқон қилгудай навқирон бир йигит гавдаланди.

У менинг иним эди. У менинг оғам эди. У менинг ... У менинг ...

Уни шу ўттиз йил улғайтирган, уни шу ўттиз йил ўтда тоблаган.

Шу ўттиз йилда халқ ўзининг буюк салоҳиятини, мустаҳкам иродасини, матонатини намоён этди. Истиқлолнинг дастлабки йилларидаги машаққатларни мардона енгиб, катта тараққиёт йўлига дадил қадам ташлади. Ўзбек халқининг овози дунёнинг энг илғор мамлакатлари қаторида халқаро минбарлардан янграnumbers. Жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида узоқ-яқиндаги юзлаб давлатлар билан дўстона ва тенг муносабатлар ўрнатилди.

► 2



# НАВОИЙ ХАЗИНАСИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Мактабдан қайтишда Навоий шаҳрининг янги иншоотларидан бири, замонавий кўприкни томоша қилиш учун бирров оёқ илдик. Чорраҳадан пиёдалар ўтишига мўлжалланган ер усти кўприклари юртимизда оз эмас. Аммо юксак дид, ижодий ёндошув ва меҳр берилган иш ҳақиқий санъат асарига айланишини ушбу кўприк мисолида кўриш мумкин. Гавжум чорраҳа устида доира шаклида қурилган кўприкка зинада, лифтда ва ҳатто велосипедда ҳам бемалол чиқса бўлади. Зина ва йўлакларда музлаш ва сирпанчиққа қарши махсус қоплама ишлатилган. Бир дақиқада чорраҳани 400 га яқин киши кесиб ўтиши бу иншоотнинг аҳамиятини кўрсатади. Кўприк бирйўла кўнгилочар маскан ва томоша майдончаси: шаҳарнинг Амир Темур ва Ғалаба шоҳкўчалари кесишган жой сайр қилишга мос, файзли ва гавжум гўша. Дейлик, кўприк устида атрофни сокин кузатиб, ҳазрат Амир Темур номи ва “Ғалаба” сўзининг нақадар уйғунлиги ҳақида тафаккур қилсангиз, айни муддао! Бугун улкан, ҳайратомуз ва кенг кўламли нарсаларга нисбатан “мега” атамасини қўллаш урф бўлган. Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилган бу кўркам иншоотни навоийликлар “мега-кўприк” дейишаркан. Кўприк шакли ва муҳандислик ечимларига кўра Марказий Осиёда ягона, дейишди.

Кечқурун “Тинчлик плаза” меҳмонхонасининг муҳташам залида “Замонавий профессионал журналистикани ривожлантириш: муаммо ва ечимлар” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Муҳокама дарҳол қизиб кетди, меҳмонлар ва мезбонлар, умуман, бу ерда ҳозир бўлганларнинг мазкур мавзу юзасидан айтар гаплари бисёр экан. Қисқаси, бу мавзуда вазирликлар, нуфузли давлат идоралари ҳамда Олий Мажлис палаталари иштирокида катта анжуманлар ўтказишга эҳтиёж борлиги эътироф этилди. Тадбир ниҳоясида навоийлик бир гуруҳ фаол журналистларга Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди. Шундан сўнг уюшманинг Навоий вилояти бўлими томонидан тайёрланиб, Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишлаб чоп этилган “Бунёдкорлик симфонияси” китоби тақдимоти ўтказилди. Мазкур китобда Навоий вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари хусусида сўз юритилган бўлиб, унда 50 нафарга яқин қурувчи-бунёдкорлар фаолияти ҳақида очерклар ўрин олган.

Медиатурнинг иккинчи кунида иштирокчилар дастлаб Ғозғон шаҳрига ташриф буюрди. Дунёга машҳур Ғозғон мармари ҳақида эшитмаган одам топилмаса керак. Ғозғон мармаридан пойтахтимиздаги қатор метро бекатларини безатишда, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз шаҳарларидаги тарихий обидалар ва мақбараларда, Ҳиндистондаги Тож Маҳал ансамблида, Москвадаги бир қанча музейларда, ҳатто Вьетнамдаги Хо Ши Мин мавзолейи қурилишида ҳам фойдаланилган. Ғозғон мармари тиниқлиги, ёрқин ранглари ва юксак сифати туфайли қадим замонлардан буён жуда қадрланади. Ғозғоннинг шаҳар мақомига эришганига эндигина бир йилдан ошди. Ҳududдаги энг йирик корхона бўлмиш “Мармаробод”га келган одам Ғозғоннинг келажаги ойдин шаҳар эканига ишонч ҳосил қилади. Журналистлар мазкур кластер корхонасининг фаолияти билан яқиндан танишиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва жараёнларини кўздан кечиришди. Корхона бош биноси олдидаги мармар лавҳада шундай сўзлар ёзилган: “Ушбу мажмуа Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 13 март куни Навоий вилояти Ғозғон шаҳрига ташрифи давомида қилинган тарихий ташаббусига асосан барпо этилди”. Президентимиз ташаббуси билан фаолиятини бошлаган мазкур кластерда 14 та лойиҳа амалиётга татбиқ этилади. Натижада конлардаги ишчилар билан бирга 850 та янги иш ўрни яратилади.

Мармаробод билан танишув таассуротларга бой бўлди. Заминимизнинг ҳар бир қаричи турли бойликларга тўла эканига яна бир марта иймон келтирдик. Ғозғонда машҳур мармардан ташқари, қизил, мовий, сариқ ва бошқа тиниқ ранглардаги тошлар ҳам бор. Мармаробод корхонаси нақ хазинахона: бу ерда ишлов бериладиган ҳар бир тош, ҳатто ушоғигача қимматли маҳсулот саналади. Мана, ўша хазина – ҳар бири 20-30 тонналик тошлар. Бу тошлар олмосли ускуналар ёрдамида худди сариёғдек кесилиб, исталган шакл берилади, ҳатто “куйлатиб юбориш” ҳам мумкин. Юксак сифатли, ноёб, қимматли тошлар ҳар жойда топилавермайди, бизда эса камида юз йиллик захира бор!

Мармарободда машҳур тоштарош уста, ўз касби сулоласининг бешинчи авлоди вакили Тоҳирҳожи ота Раҳимов билан учрашдик. Бу уста ҳақида Андижондаги Бобур халқаро жамоат фондининг илмий экспедицияси ҳисоботларида ўқиб, сиртдан танигандим. Экспедиция 2015 йили Афғонистонга сафарлар уюштириб, Алишер Навоий мақбарасини ободонлаштириш бўйича анча ишлар қилган. Ҳиротдаги мақбарага янги қабр тошини Ғозғон қишлоғида яшовчи уста тоштарош Тоҳирҳожи ота Раҳимов ясаб берган. Қабр тошининг оғирлиги салкам 4 тонна бўлиб, 9 бўлак мармардан ташкил топган. Унга Қуръони карим оятлари ва ҳазрат Алишер Навоий қаламига мансуб: “Бу гулшан ичра йўқтур бақо гулига сабот, Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от” мисралари ўзбек ва форс тилларида ўйиб ёзилган.

Нурота шаҳри нафақат медиатур доирасида, балки ҳар бир юртдошимиз, албатта, бориб зиёрат қилиши лозим бўлган табаррук қадамжолардан бири саналади. Нурота узоқ асрлар давомида Ватанимизнинг шимолий дарвозаси саналган. Милоддан аввал жаҳонгир Александр Македонский назари тушган қалъа излари ҳануз сақланиб турибди. Бугун Нурота шаҳри анча обод, бундан 15 йиллар муқаддам келганимизда бошқа манзаралар эди. Халқимизда тарихга қизиқиш анча ўсган. “Чашма” меъморий мажмуасида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Маданий мерос объектлари қайта таъмирланиб, 80 ўринли меҳмонхона фойдаланишга топширилди, яна битта меҳмонхона, амфитеатр қурилиши тугалланиш арафасида. Яқинда ҳунармандлар маркази фаолият бошлади.

Нурота сувининг хосиятлари бисёр. Сирли чашмадаги балиқлар, ҳар жума кунлари кўринувчи тилла балиқлар, айниқса, ҳайратомуз. Зиёратда кўнгил тозаради, руҳ енгиллашади.

Нурота зиёратидан қайтишда Навбаҳор туманида бирров тўхтадик. Туман ҳокими Лочин Облоқулов ҳар биримиз билан эски қадрдонлардек сўраша кетди. “Қалқонота” маҳалласида “Навбаҳор касаба чеварлари” МЧЖ фаолият бошлаганига эндигина икки ҳафта бўлибди. Ўн турдан ортиқ трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган мазкур тикув цехида 400 нафарга яқин хотин-қиз ишлайди.

– Ушбу тикувчилик цехининг ишга туширилиши айни муддао бўлди, – дейди “Янгиобод” МФЙда истиқомат қилувчи Гулноза Омонова. – Дастлаб 3 ой ўқув курсларида ўқиб, касб-ҳунар ўргандик. Айни пайтда корхонада 15 нафар қизга бошчилик қилмоқдаман.

– Яқин кунларда яна 900 иш ўрнига эга 2 та ана шундай трикотаж фабрикаси очамиз. Бундан икки йил олдин туманда умуман иссиқхона мавжуд эмас эди. Ҳозир эса 20 гектарлик иссиқхонада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилмоқда. 200 киши иш билан таъминланган, – дейди туман ҳокими Лочин Облоқулов.

Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан ташкиллаштирилаётган ижодий сафарлар, шубҳасиз, жуда фойдали. Юртимизда кечаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида ёзиш ҳам, кўтаринки сафарномаларни ўқиш ҳам завқли иш. Шу билан бирга, муҳтарам Президентимиз доимо таъкидлайдиган жиҳатлар – холислик, ошкоралик ва танқидий руҳ ҳам сафар давомида кўп бор эсланди. Бундай медиатурларда сизни кутиб оладиган ҳудуд ўз муаммолари билан эмас, албатта, ютуқлари билан пешвоз чиқиши табиий ҳол. Ўша ютуқларни завқ-ла кўрсатиш асносида кўзга ташланган айрим камчиликлар ҳақида холис фикр-мулоҳазаларни айтиш ҳам, келгусидаги эзгу амалларга туртки бериши шубҳасиз. Масалан, “Baht-Textile” масъулияти чекланган жамияти ишчиларининг ойлик маоши камлиги, кўча ёзувларининг аксарияти ажнабий тилда эканидан ташқари, имло хатолари кўпайиб бораётгани бот-бот тилга олинди. Ҳатто меҳмонхона номи – “Тинчлик” сўзи ёнига ажнабий “плаза”ни қўшиш нечоғли ўринли ёки аксинча, ўринсизлиги ҳақида ҳам жўяли мулоҳазалар айтилди. Президентимиз таъкидлаганидек, “Ижтимоий объектларга ном бериш – шунчаки шахсий ёки хусусий иш эмас. Бу барчамизнинг ватанпарварлик ва маънавий савиямизни яққол кўрсатадиган ўзига хос мезондир. Буни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак”.

**Бахтиёр ҲАЙДАРОВ**

# ШАРАФЛИ БУРЧИМИЗ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Улкан қурилиш майдонига айланган юртимизда кўплаб янги-янги корхона ва турар-жойлар, йўл ва кўприклар, инфратузилма объектлари қаторида маданият ва санъат масканлари ҳам барпо этилмоқда. Пойтахтимизда шу йил фойдаланишга топширилган Ғалаба боғи, Адиблар хиёбони сингари муҳташам мажмуалар ҳам сўнгги йиллардаги ўзгаришларнинг ёрқин ифодасидир. Буларнинг замирида мустақиллик руҳи, истиқлол берган имкониятлар турибди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 25 декабрь куни маданият ва санъат соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилишда: “Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак: мамлакатимизда маданият ва санъат тараққий этмаса, жамият ривожланмайди. Халқимизнинг ривожланиш даражаси, аввало, миллий маданиятимизга қараб баҳоланади. Шу маънода, маданият — бу халқимиз, жамиятимиз қиёфасидир. Биз Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишга киришган эканмиз, буни, аввало, миллий маданиятимизни ривожлантиришимиздан бошлашимиз лозим”, дея таъкидлаган эди.

Сўнгги уч йилда соҳани янада равнақ топтиришга доир Президентимизнинг иккита муҳим қарори қабул қилинди, ижодий ташкилотлар моддий-техника базаси тобора мустаҳкамланмоқда, вилоятларда халқ бадиий ва амалий санъати ривожини тараннум этадиган санъат галереялари қурилаётгани, ижодкорлар, ёш истеъдодлар доимо қўллаб-қувватланаётганига хорижлик ҳамкасбларимиз ҳам ҳавас қилишади. Шубҳасиз, Президентимизнинг маданият, санъат соҳасига янгича муносабати бизга тоғдек таянч бўлмоқда. Жаҳон миқёсида давом этаётган, дунё аҳли учун энг қийин ва синовли пандемия шароитида 2020 йил 21 апрелда давлатимиз раҳбарининг “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бу ҳужжат соҳа равнақи учун олдимизда кенг имкониятлар эшигини очмоқда.

Президент Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарори эса биз ижодкорларни янги кўтаринкилик, янги ижодий зафарлар сари ундайди. Эришилаётган ютуқлар, меҳнаткаш халқимизнинг эзгу орзу-интилишларини тараннум этувчи асарлар яратишда илҳом манбаи бўлади

Албатта, Ўзбекистон Бадиий академияси мамлакатимизнинг энг улуғ, энг азиз айёмига — Мустақиллигимизнинг ўттиз йиллик қутлуғ санасига муносиб тайёргарлик кўради. Зеро, бу иш шу кунларда бошлаб юборилди. Ана шу қутлуғ сана муносабати билан тегишли муассаса ва ташкилотлар ҳамкорлигида мустақилликнинг мазмун-моҳияти ва тарихий аҳамиятини акс эттирувчи маънавий-маърифий тадбирлар, фестиваль ва анъанавий кўргазмаларни, турли ижодий лойиҳаларни режалаштирмоқдамиз. Барчамизнинг бахту саодатимиз, тақдиримиз, ёш авлод келажагида ўз ифодасини топган, мунаввар йўлларга бошлаган бебаҳо неъмат — Мустақиллигимизнинг 30 йиллигини муносиб қаршилаш шарафли бурчимиздир.

# ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛ САРИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Биз, ижодкорлар олдида ҳам улкан вазифалар турибди. Жумладан, замонамиз қаҳрамонларини улуғлаш, халқимизнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш, улуғ аллома шоирларимиз ижодини ўрганиш ва уларни кенг тарғиб этиш, “Ижод” мактаблари фаолиятини такомиллаштириш, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш сингари кўплаб вазифаларимиз борки, уларнинг барчаси қарорда эътиборда тутилган. Албатта, бу вазифаларни амалга оширишда шоир ва ёзувчиларнинг якдил бўлиб ишлашлари талаб қилинади. Куни кеча ўнлаб ёш истеъдодли ижодкорлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилиниб, сафимиз кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллигини юксак даражада ўтказишга тайёргарлик кўрар эканмиз, ўтган йиллар давомида амалга оширган ишларимиз заминида “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” ғояси остида адабиётимизни тубдан ривожлантириш борасида олиб бораётган ишларимизни яна бир бор режалаштириб оламиз. Мана шу жиҳатдан ҳам келаётган 2021 йил биз учун қадрлидир. Ижод аҳлига Янги йил муборак бўлсин!

# «МАНГУ ЁРУҒ МАСКАНИМ МАНИМ...»

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Кейинги йилларда мамлакатимиз “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” тамойили асосида тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Юртда кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилиб, бунинг натижасида ҳаётнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, иқтисодиёт ва унинг тармоқларини, хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида катта ўзгаришлар амалга оширилаётгани яққол кўзга ташланаётир. Чунончи, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилиб келмоқда.

Бугун Ватан равнақи, эл-улус фаровонлиги йўлида амалга оширилган ишларни кўриб, гувоҳи бўлиб олис хотиралар уйғонади. Мустақил давлатнинг ўттиз йилда босиб ўтган истиқболли йўлини сарҳисоб қилиш, халқимиз ҳаётидаги янгиланиш жараёнларини ақл тарозисида тортиш – таҳлил қилиш ва эндиликда амалга ошириладиган муҳим вазифа кишига юксак орзулар беради.

Дилда куртак ёзган эзгу орзулар “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” ғояси остида юртимиз бўйлаб ўтказилиши кўзда тутилган маънавий-маърифий тадбирларга янада файз бағишлайди. Бу тупроқда инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун эканлиги, халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган тамойил асосида юртдошларимизнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича эришилаётган натижалар халқимизни янада руҳлантиради.

Бугун эришилган барча муваффақиятларнинг асоси – Ватан мустақиллигидир. Ўйлайманки, бу, албатта, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва орзу-интилишлари мевасидир. Қарорда таъкидланганидек, Мустақилликнинг ўттиз йиллиги ҳар қачонгидан кўра кўтаринки руҳда, юксак савияда тантанали нишонланади. Юртга бу қутлуғ кун туғ кўтариб нишонлаш ярашади. Зеро, Ватан мустақиллиги шу азиз диёр фарзандларининг эркин ва озод тупроқда от чоптириб яшамоқ давронидир. Барчамиз Ватан куйчиси – Абдулла Ориф бўлиб “Мангу ёруғ масканим маним, Ўзбекистон – Ватаним маним” деб асрларга тенг ўттиз йиллик тантаналар олдидан мақсад қилинган барча эзгу ишларга, албатта, эришамиз.

# «ОЛТИН СЎЗ» ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 апрелдаги 338-сонли қарорига мувофиқ, Қашқадарё вилоятида Абдулла Орипов хотирасига бағишланган “Олтин сўз” (Golden word) халқаро адабий фестивалини ўтказиш белгиланган эди. Мазкур қарорга асосан 2019 йилда илк бор ушбу фестивал ўтказилганди. Унда йигирмадан зиёд мамлакатдан ижодкорлар иштирок этишганди.*

Анъанавий тарзда ҳар йили бир маротаба ўтказилиши режалаштирилган ушбу фестиваль жорий йилда коронавирус пандемияси туфайли онлайн кўринишда ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ҳиндистоннинг “Илғор адабиёт ва маданият” жамияти, Озарбайжон миллатлараро тармоғи томонидан ташкил этилган Иккинчи “Олтин сўз” (Golden word) халқаро адабий фестивалида элликдан ортиқ мамлакатдан икки юздан зиёд ижодкорлар иштирок этди. Олти тилда олиб борилган бу анжуманга алоҳида модераторлар тайинланди. Етакчи модератор ҳиндистонлик Шаменаз Шейҳ секция ишларини бошқариб борди.



19-20 декабрь кунлари Zoom ҳамда Google meet иловалари орқали видеоалоқа тарзида ўтказилган фестиваль бир қанча ижтимоий тармоқлар орқали тўғридан-тўғри намойиш этиб борилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид фестивални очиб берди. Фахрий меҳмон, Францияда яшаб ижод қилаётган суриялик шоира Марам ал-Масрининг фестивал иштирокчиларига табриги ўқиб эшиттирилди. Шундан сўнг, италиялик композитор Марко де Стефа ижросида жонли мусиқий ижро туҳфа этилди. Ҳиндистонлик ёш раққослар Авни ва Дишна иштирокида Бҳарат Натям ҳинд миллий рақси ижроси барчани бирдек тўлқинлантирди. Фестивал ижтимоий тармоқда тўғридан-тўғри бериб борилди.

Фестивалдан мақсад Ўзбекистонни, ўзбек адабиётини дунёга танитиш, халқаро адабий алоқаларни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда, жумладан, Қашқадарё вилоятида туризмни ривожлантиришга ҳисса қўшиш, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан эълон қилинган “Шаҳрисабз – фестиваллар шаҳри” деган номга муносиб ишларни амалга оширишдан иборат. Фестиваль ҳақидаги илиқ фикрлар, қизиқишлар бу ниятларимизга қисман яқинлашганимизни кўрсатиб турибди.

**Ҳафиза ЭГАМБЕРДИЕВА,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,**
**“Олтин сўз” (Golden word) халқаро адабиёт фестивали лойиҳаси раҳбари**

*Халқимиз янги 2021 йилни кўтаринки кайфиятда кутиб олишга тайёрланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ходимларининг 12 ёшгача бўлган 49 нафар фарзандига янги йил совғалари улашилди.*

## ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАЛАРИ УЛАШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти бирлашган қўмитаси ҳам болаларга, қишги таътил кунлари мароқли ўтишини назарда тутиб, Ўзбекистон давлат қўғирчоқ театрида байрам кунлари намойиш этиладиган томошалар учун 100 дона чипта совға қилди. Албатта, янги йил совғалари, қўғирчоқ театрининг ажойиб ва ғаройиб томошалари болаларга қувонч, қувноқ таассуротлар туҳфа этиши шубҳасиз.

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ахборот хизмати**

# ШОИР ЁҚҚАН ШЕЪР ЧИРОҒИ

*Сурхондарёда яшаб ижод қилган шоир Шафоат Раҳматулло Термизий асарларини китобхонлар севиб ўқийди. Айниқса, шеърлари кўнгилларда воҳадаги “Сангардак” шаршарасининг оҳангларидай акс-садо беради.*



Кутилмаганда келган меҳмонларга эшик очган Хосият янга шошиб қолди. Шафоат Раҳматуллонинг камтаргина хонадонига вилоят ҳокими Тўра Боболов кириб келди. Саломаликдан сўнг вилоят раҳбари:

— Гурунгга келдик, янга! Шоиримизни хотирлаб, айниқса, у кишининг ижодхонасида суҳбатлашганга нима етсин! – деди.

Хосият янга тўлқинланиб кетди, хурсандчилик билан меҳмонларни уйга таклиф қилди. Улар шоир ижод қилиб, ўлмас асарларини битган мўъжазгина ижодхонага киришди.

— Шафоат Раҳматулло Термизий юртимизнинг таниқли шоири, ёшу кексага яқин дўст, дилкаш, хокисор инсон эди, — деди вилоят ҳокими Т.Боболов. — У кишининг адабиёт, санъат ва илм-фанга қўшган ҳиссаси ҳамиша қадрланади. Ўзининг нафис шеърлари, достонлари билан халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини, китобхонлик маданиятини ошириш йўлида беминнат хизмат қилган инсон оиласининг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароитларни яратиб, мерос қолган асарларини асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш бизнинг бурчимиздир. Шу боис атоқли шоир яшаган уйни тубдан таъмирлаб, шинамгина уй-кутубхона очамиз.

Учрашувда вилоят Халқ қабулхонаси мудири Абдулҳаким Эшмуродов шоирнинг чоп этилмай қолган шеър, достонларини нашр қилдириб, таваллуд кунига туҳфа этиш таклифини илгари сурди.

Ҳа, Шафоат шоир Сурхоннинг ўзидай, сўзлаган сўзию боққан юзидай оққўнгил шоир эди.

Шоирни жондан суйган эли, мухлислари излаб келиб туришади. Мана, бугун вилоят ҳокими йўқлаб турибди.

— Тўғрисини айтсам, охирги пайтларда мени ўй босган эди, — дейди Шафоат Раҳматулло Термизийнинг рафиқаси Хосият Раҳматуллаева. — Биласизми, Шафоат акангиз қаерга борса уйга китоб олиб қайтарди. Бири-биридан ноёб китоблар. Қаранг, умр кўпми, китоблар кўпми? Энди ижодхоналарини кенгайтирсам, таъмирлатсам, бу китобларни асраб қолиш учун шароит яратсам, деб орзу қилардим. Оллоҳим бераман деса, бир кунда берар экан. Умид чироғи ўчмасин экан.

Ҳа, шоир ёққан шеър чироғи ҳеч қачон ўчмайди!

**Нортўра ЭРГАШЕВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилояти бўлими мутахассиси**

# ТУПРОҚ ЎЗ КЎКСИГА ИЛДИЗ ЯШИРДИ

*Дўрмон дафтаридан*

Шарифа САЛИМОВА



## ЧИНОРЛАР

Бу улкан чинорлар мамлакатида
Тоза, соф ҳаволар ҳукм суради.
Бунда сир-синоат ҳатто япроқлар,
Қушчалар одамга ўхшаб кулади.
Бу улкан чинорлар мамлакатида
Шивирлаб сўзлайсан шабада мисол.
Пирлар суҳбатини бўлиб қўймай деб,
Олислардан тоғлар боқиб турар лол.
Осмон қабатлари Масиҳ нафасин
Ҳўплаб, оромланиб, кетар тозариб.
Гуриллаб дуога қўл очар пирлар,
Ёш чинорга қараб, кўзлари ёниб.
Фаришталар "омин" айтиб турарлар,
Само ёришар нур чақмоқларидан.
Ёш тоғлар тошқиниб ўсиб чиқади
Умид манзилининг сўқмоқларидан.
Оқ момиқ булутлар ой юзин ўпиб,
Чинорлар баргига томчи ташлайди.
Бир сирли оҳангга тўлар коинот,
Ёмғир ўрнига... шеър ёға бошлайди.
Ёғдулар кумуши кўзни олади,
Тун пирлар йўлига кўзин тикади.
Бу мангу синоат мамлакатида
Чинорлар тонггача юриб чиқади.

## УЛУҒЛАР ХОТИРАСИ

Оғир, босиқ, улуғ карвонлар
Кетаётир сипо, хотиржам.
Рўмолчасин кўзига босиб,
Қон йиғлайди ортидан олам.
Дунё, улар сенинг бағрингда
Якто эди гавҳар донадек.
Сен парвона эдинг қошида
Боласини суйган онадек.
О, тақдирлар! Гоҳ гулга ошно
Гоҳ рўбарў чексиз нафратга.
Карвон эса вазмин, хотиржам,
Кетиб борар абадиятга.

## ҚУШЛАР БАЗМИ

Қушлар базм қилар Дўрмон боғида:
Чинорлар мусиқа тинглаб, яйрайди.
Япроқлар шилдирар. Оқади сувлар,
Булбул кўкси куйиб, бирам сайрайди.
Ғунчалар қуёшга жилмаяр нафис,
Олов дудоғида қуёш бўсаси.
Олтинранг япроқлар шилдирашида
Тугаб бораётган куз талвасаси.
Йирик-йирик томчи ташлайди осмон,
Патлари ҳўл бўлган қушлар қолар жим.
Томчиларга кафтин тутиб хаёлчан
Чинор панасида тўхтар аллаким.
Ер осмонга боқар. Само заминга.
Еру осмон нурга кетар қоришиб.
Биллур томчиларни кафтида тутиб
Гўё фаришталар келмоқда тушиб.
Шеър шивирлаб келар. Ёмғир забтига
Елкасини тутиб бермоқда Дўрмон.
Гўё йўлкалардан боладай қувнаб,
Шеър ўқиб келмоқда Ҳамид Олимжон.
Ғафур Ғулом, Ойбек... Тин олар замин,
Осмон ёмғирлари бир зум тўхтайди.
Чинор паноҳида турган ҳув кимса,
Пирларга ўхшайди.

## ГУЛ ДЕСАНГ...

Гул десанг, мен албат гулга дўнаман,
Қул десанг. мен албат қулга дўнаман.

Нур дегил, мен чақмоқ бўлмоғим тайин,
Самони титратиб, сўнгра сўнаман.

Булоқ де, гувранай шаршара бўлиб,
Дарё де, денгизга айланай кулиб.

Тоғ дегин, самога чўққим етади,
Қуёш де, андуҳлар эриб кетади.

Сочларим тун дегил, юлдуз бўламан,
Боғимсан, де, ўлмас илдиз бўламан.

Ҳаётимсан, дегин. Ўйга толаман.
Кўксингда мангу ишқ бўлиб қоламан.

## НОГОҲ ЮРАК...

Ногоҳ юрак ҳаприқиб кетар...
Мен биламан, у кутар мени.
Ҳеч қандай куч йўқ қила олмас
Қалбимдаги бундай севгини.
Қадамларим қанот кабидир,
Учиб, туннинг кўксини тилар.
Анҳордаги бўтана сув ҳам
Менинг ажиб севгимни билар.
Тоққа чиқиб ҳайқирганимда
Даралардан қайтди акс-садо.
Яшил водий, дарёлар айтди:
– Қалбингдаги севги бебаҳо.
Кекса тутлар – танаси бужур,
Мева тутган олма дарахти.
Мени қўймай саволга тутди:
– Ошиқмисан, ростини айтгил.
Қишлоғимнинг тупроқ кўчаси –
Болалигим кечган ул ҳаёт.
Деди: сенинг шивирларингга
Тўлаётир бугун коинот.
Ҳасса тутган оқсоқол чоллар
"Қизим" деса бахтга тўлганим,
Падарим, деб кўзларим қувнаб,
Ҳар бирида Хизр кўрганим.
Бу шундай эл. Замини олтин,
Бу шундай эл. Кўкси Тангритоғ.

Сени шундай севаман, юртим,
Сени шундай севаман, тупроқ.

## БУ ШУНДАЙ БИР СИРКИ

Бу сир шундай сирки, қошига борсам,
Яланғоч дарахтлар гуллаб кетади.
Бўзтўрғай ноласи бўғзига сиғмай,
Самонинг кафтига қалбин тутади.
Бу шундай бир сирки, тунга юзлансам,
Нур кесиб ўтади зулмат чоҳини.
Ғамлар водийсида ногоҳ адашсам,
Бу сир қулатади андуҳ тоғини.
Қуриган ўзаннинг қошига борсам,
Минг кўзли булоқлар куйлай бошлайди.
Учаётган қушлар ипак патини
Самода чарх уриб, менга ташлайди.
Мўмиё ялаган кийиклар келиб
Тиззамга бош қўйиб ухлаб қолади.
Чақмоқлар қарсиллаб, югурук яшин
Дарахт вужудини ўтга солади.
Шундай...
Миллион йилдирки сир ўзим билан,
Тўлқинлар ҳеч қачон ортга қайтмайди.
Қалбин Ишқ яшини урган бу Аёл
Сизни севдим, деган сўзни айтмайди.
Ҳолбуки, борлиқда ишқнинг нафаси...

## ТУПРОҚ ЎЗ КЎКСИГА...

Тупроқ ўз кўксига илдиз яширди,
Само ўз кўксига юлдуз яширди,
Тун қаро кўксига кундуз яширди,
Айт, нега сен мени яширолмадинг.
Қалбинг тубидаги булоқ қилмадинг,
Хазонли боғлардан йироқ қилмадинг,
Қушнинг тилларида сўроқ қилмадинг,
Айт, нега сен мени яширолмадинг?
Севги салтанатин тожи бўлардим,
Етти иқлим йиққан божи бўлардим,
Умринг фаслин баҳор, ёзи бўлардим,
Айт, нега сен мени яширолмадинг.
Дарёларни буриб, йўлга солардим,
Ваҳшатли арслонни овлаб олардим,
Балки қалбинг ичра мангу қолардим,
Айт, нега сен мени яширолмадинг.
Бугун мен оққушман. Чиқардим қанот.
Тупроқман. Илдизни севдим умрбод.
Озодман... нур каби, қуш каби озод...
Айт, нега сен мени яширолмадинг.

## ХАЙР, ДЎРМОН

Хайр, Дўрмон! Мен кетар бўлдим.
Ранжимагин, кўксинг ёнмасин.
Мен бағрингга райҳон эккандим,
Қараб тургин, сўлиб қолмасин.
Хайр, Дўрмон! Улуғ чинорлар,
Юрганимда ташлаган соя.
Тунда қўшиқ айтган қушчалар,
Шабнам ичган, ҳув, бедапоя.
Хайр, Дўрмон! Ишком оралаб
Юрганимда термулган узум.
Ой бошимдан узоққа кетмай.
Эртак айтган узундан узун.
Улуғ-улуғ тоғлар кўксидан
Эсиб, жоним сийпаган шамол.
Кетаяпман, босган қадамим
Энди сизга келмасин малол.
Ой нурида юлдуз сочларин
Хаёлимда тараган куним.
Осмон ўпган чинорлар кўриб,
Самоларга қараган куним.
Гувранганча оққан сувларнинг
Сирларини тинглаганим дам.
Капалаклар шивирлашганда
Шеър сеҳридан титраган қалам.
Тун тонг, дея, илтижо айлаб,
Нур бағрида йўқотгач тусин.
Эшитганим боғлар оралаб,
Келаётган пирлар товушин.
Хайр, Дўрмон! Жоним малҳами...
Сукут ичра сўз демай турдинг.
(Кетаяпман, қалбим сен билан.)
Кетар олди, бир саволим бор:
"Нега мени сеҳрлаб қўйдинг?"

---

Абдулла АЙИЗОВ



ҲИКОЯ

# ҚОРБОБО

Дилнуранинг қувончи ичига сиғмайди. Янги йил зўр бўлди-да. У дадаси билан бирга уй тўридаги яшил арчани безатди, ойижонисига байрам дастурхонини тайёрлашда кўмаклашди.

Энг қизиғи... Ҳа, энг қизиғи, янги йил арафасида уйларига Қорбобо кириб келди. Қорбобо меҳмонлар даврасига яқинлашиб:

– Ассалому алайкум, азизларим! – дея баланд овоз билан сўз бошлади. – Барчангизни кириб келаётган Янги йил билан қутлайман! Тинчлик ва бахт ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!..

Қорбобо қувончдан юзлари қип-қизил Дилнурани ёнига чорлаб:

– Қани, қизим, Янги йилга бағишланган шеърингни айтиб бер-чи, — деса бўладими?! Дилнура саросимага тушиб қолди: "Шеър ёдлаганимни қаердан биларкин?"

Дилнура Қорбобога, меҳмонларга бир-бир қараркан, айтмоқчи бўлган шеърини ёдидан чиқариб қўйди. "Вой! Шеърим қандай бошланарди?!"

– Шошилмасдан айтақол, қизим!

Қорбобо унга далда берди. Дилнура киприкларини пирпиратиб, товланиб турган арчага боқиб, шеърини ўқиди:

Яна қиш, яна январь
Яна келди Янги йил.
Деразалар оқ мармар,
Яна завққа тўлди дил...

– Яша, қизим! Мана бу совға шеърни чиройли айтганинг учун!

– Раҳмат! – Дилнура Қорбобо узатган "Дунё халқлари эртаклари" китобини қўлига оларкан, кўзлари қувончдан порлади.

– Раҳмат, Қорбобо!

У меҳмонларга "Қани олиб ўтиринглар!" дея манзират қилаётган дадасига юзланди:

– Дада, дадажон, сизга айтганим шу китоб эди.

– Яша, она қизим, – хижолатомуз сўз бошлади дадаси. – Ҳеч бир китоб дўконидан тополмагандим.

– Дадангиз тўғри айтаяптилар. Бу китобни узоқ-узоқлардан олиб келдим, – деди Дилнурага Қорбобо, кейин меҳмонларга қараб: "Дилнуранинг китоб ўқишга қизиқишини биламан-да", деса бўладими.

Дадаси билан ойижониси ўзларини кулгидан зўрға тийиб қолишди. Қорбобонинг гапидан ажабланган Дилнура тағин саволга тутди:

– Вой, исмимни қаердан биласиз, ё сеҳргармисиз?

– Сеҳргар эмасману, аммо одамларга қараб туриб хаёлидан нима ўтаётганини сезаман. Масалан, сен шеър ёдлашни, эртак ўқишни яхши кўрасан, тўғрими?

– Ҳм, – Қорбобонинг фикрини маъқуллади Дилнура.

– Шунинг учун ҳам бу совғани атайлаб сенга олиб келдим, – дея Қорбобо Дилнуранинг қўлидаги китобга ишора қилди. – Иккинчи чоракни яхши баҳолар билан якунлаганингни ҳам биламан. Агар аъло бўлса, яна ҳам яхшироқ бўларди. Математикадан ўзлаштиришга қийналаяпсан-да...

– Буни қаёқдан биласиз?

– Биламан, қизим, биламан. Йўл-йўлакай мактабларга кириб чиқдим. Ўқувчиларнинг қандай ўқишини билиб олдим.

– Қойил! – чапак чалиб юборди Дилнура.

– Янги йилда "Ёш математик" тўгарагига қатнашсанг, мураккаб мисол-масалаларни ечишни ҳам ўрганасан.

– Худди Асилбекка ўхшабми?

– Ҳа, ҳа... худди синфдошинг Асилбекка ўхшаб.

– Сиз Асилбекни ҳам танийсизми?

– Бўлмасам-чи?! Аълочиларни бир мен эмас, ҳамма танийди.

– Тўғри айтдингиз, мактабда ҳамма аълочиларни ҳурмат қилади. Мен ҳам...

– Нима, мен ҳам? – Қорбобо савол назари билан Дилнурага қаради.

– Мен ҳам Янги йилда аълочилар сафига қўшиламан! – деди қатъият билан Дилнура.

– Баракалла, қизим! Хурсандман. Бу сўзларинг менга ажойиб совға бўлди, – Қорбобо мезбонларга юзланди: – Энди менга рухсат берасизлар, борадиган жойларим кўп. Янги йил киргунча улгуришим керак!

Мана, орзиқиб кутилган Янги йил ҳам бошланди. Тун ярмигача телевизор кўриб, суҳбатлашиб ўтирган бўлсалар-да, негадир Дилнуранинг уйқуси қочди. Унинг хаёлидан Қорбобо кетмади.

"Қорбобонинг ташрифи зўр бўлдию қишки таътилнинг чўзилиши... Тезроқ ўқиш бошланса эди. Ахир, дугоналарига Қорбобога шеър айтгани, совға олгани, ҳамма-ҳаммасини айтиб беради. Ишонишармикин?!.

* * *

Дилнура кутган кун келди. У нонуштадан сўнг ойисининг "Ҳали мактабга вақтли, қизим..." деганига ҳам қулоқ солмай, сумкасини елкасига осди-да, мактабига чопди.

Ойиси айтгандек, ҳали дарс бошланишига анча бор экан. Дилнура Қорбобо совға қилган эртаклар китобини сумкасидан олди. Китобни ўқиб чиққан бўлса ҳам тағин варақлашга тушди.

– Китобни соғиниб қолибсан-да, ўртоқжон, – синфда Наргизанинг овози янграsevere. Дугоналар саломлашгач, Наргиза ёнидаги китобни ёпиб, муқовасига қаради.

– Ажойиб! Қаердан сотиб олдинг?

Худди шу саволни кутиб турган Дилнура Қорбобо ҳақида сўз бошлади.

– Бизларникига ҳам Қорбобо келди, айтганингдек, ҳамма нарсани билар экан, – Дилнуранинг фикрига қўшилди Наргиза, – менга қўшиқ айттирди-да, мана бу китобни совға қилди.

У сумкасини титкилаб, қалин муқовали "Биргаликда куйлаймиз!" деган китобни Дилнурага узатди.

– Қойил! Қорбобо биз қизиққан китобларни биларкан-а! – дея китобни варақлашга тушди. – Зўр-ку, қўшиқларнинг ноталаригача бор экан.

Бирин-кетин кириб келган синфдошларнинг бошқаларга ниманидир айтгиси келаётгани шундоққина юз-кўзларидан аён эди.

Шокиржон худди орқасидан кимдир қувиб келаётгандек ҳовлиққанча синфга кириб "Салом, дўстлар!" дея қўлини кўтарди. Пальтосини ечар экан, қўлтиғига қистирилган шахмат тахтасини қўлига олди-да, ҳозиргина мусобақада ғолиб чиққандек боши узра ҳаммага кўз-кўз қилди.

— Биласизларми, буни менга Қорбобо совға қилди. "Бу йил вилоятда ёш шахматчилар мусобақасида қатнашганингдан хабарим бор. Янги йилда эса чемпион бўлишинг керак", деди.

– Қорбобонинг гаплари рост экан-да! – деб юборди беихтиёр Дилнура.

– Қанақа гапи? – унинг оғзига тикилишди синфдошлари.

– Қорбобо синфимизда ким қандай ўқишию кимнинг нимага қизиқишигача биларкан... Асилбекнинг математикадан яхши ўқишини ҳам...

– Салом, болалар! – синф раҳбари Ҳомид муаллимнинг жарангдор овози болалар суҳбатини бўлиб юборди. Ҳамма ўз партасига жойлашиб олди.

– Салом, устоз!

– Хўш, Янги йилни яхши кутиб олдингизми? Таассуротларингизни эшитсам бўладими?

Болалар бир бирига гал бермай уйларига келган Қорбобо ҳақида гапиришга оғиз жуфтлашди.

– Қани, навбати билан гапириб беринглар-чи...

Ўқувчиларнинг ҳаяжон билан айтган таассуротларини тинглаган муаллим гоҳ ҳайрон бўлиб кўзларини катта-катта очиб қарар, гоҳ кулимсирар, аммо боши билан маъқуллаб, ҳаммани диққат билан тингларди. – Қойил! Демак, ўзларингиз истаган совғани олибсизлар-да. Бундай Қорбобо борлигини эшитмагандим, – деди муаллим болаларча қувониб.

– Устоз, бир нарсани сўрасам майлими? – Мўминнинг тўсатдан берган саволига ҳамма ажабланиб, бир Мўминга, бир муаллимга юзланишди.

– Ҳалиги... бизларникига келган Қорбобонинг нимасидир сизга ўхшаб кетаркан...

– Йўғ-е, агар ҳаммага ёққан Қорбобога ўхшасам ёмонми?

– Яхшику-я, аммо у сиз эмасдингиз. Гавдаси, юришлари, овозини сал ўхшатгандек бўлдим-да...

Болалар хаёлда Қорбобо билан муаллимни қиёслай бошлашди. Оппоқ соқоли кўксига тушган, эгнида қор зарралари сочилган тўн, совғага тўла қоп... сўзлари салмоқли Қорбобони кўз олдиларига келтиришдию беихтиёр муаллимга синчиклаб тикилишди, ҳамиша кўйлагига бўйинбоғ тақиб юрадиган, сочлари бир текис таралган устоз...

Қорбобо ва муаллим. Муаллим ва Қорбобо... Болалар ҳарчанд ҳаракат қилишмасин, уларни бир-бирига ўхшатишолмади. Янги йил оқшомидаги Қорбобо ҳақиқий эди.

---

Музроб БЎРОНОВ



ҚАТРАЛАР

# БОҒБОН БИЛАН БАҲС

Боғимда тўрт туп хурмо дарахти бор. Ҳар йили яхши ҳосил беради. Бу йил ҳам шохлари синиб кетадигандек мева тугди. Лекин қарангки, хурмомиз пишар-пишмас ҳар куни қушлар гала-гала бўлиб учиб келади-да, пишган-пишганларини чўқилашни бошлайди. Айниқса, дарахтларнинг уй томидан баланд бўлиб кетган шохлари жуда яхши ҳосил қилган, қуёш тиғида пастдаги шохлардагидан олдинроқ пишди. Қушлар мана шу шохлардаги меваларни чўқий бошлади. Назар солсам, ҳар бир дарахтда 50-60 донадан хурмони чўқилаб нобуд қилишибди. Афсус, бир йил хурмо ейман, бозорга сотиб, даромад қиламан, деб кўз тикасану қарғаю майналар ҳузурини кўрса, одамга алам қиларкан.

Бугун эрталаб вақтлироқ турдим-да, дарахтларга бир-бир чиқиб, ўша баланд шохларни арралаб ташладим. Ўзиям, терга чўкиб қолдим, шохлар жуда ба-а-ланд бўлиб, ҳар бири 10-15 килодан мева боғлапти.

– Эсиз, бекор кесибсиз-да, шундай кўп ҳосил берадиган шохларни нобуд қилибсиз, келгуси йилларда ҳам яхшигина мева берарди, – деди буни кўриб қўшним.

– Ҳосил берса, қўл етадиган жойда берсин. Унақа тепага чиқиб кетса, нима, меванинг ҳузурини қушлар кўрадими?

– Баланддаги шохлар йирик-йирик, қуёш нурига, тоза ҳавога тўйинган мазали мевалар тугади.

– Тукканидан нима наф? Кесиб олмасанг, мевасини териб ололмасанг... нима фойда?

– Бирор бир баланд мослама устига чиқиб меваларни терса бўлади-ку.

– Унақа баланд нарсани қаёқдан оламан? Уловидан тушови қиммат бўлади.

– Ҳарқалай, пастдаги шохлардагидан кўра витаминларга бойроқ, ширинроқ меваларни еганга нима етсин.

– Пастдаги шохлар ҳам ёмон эмас, муҳими уларнинг мевасига шундай қўл узатсанг узиб олаверасан. Мана, Хитойдан келтирилган карлик дарахтлар яхши, пастгина, шундоқ қўлингни узатиб ҳосилини йиғиб олаверасан.

– Аммо бу мевалар бизнинг маҳаллий, табиий мевалар олдида ип эшолмайди, ҳақиқий мева бизнинг мана шу басавлат, баланд, бақувват дарахтларда бўлади. Четдан келтирилган карлик дарахтларнинг мевасини есангиз, пўкак егандай бўласиз.

– Фарқи нима? Мевами, мевада энди, ёмониям, яхшисиям бор. Бозорга олиб чиқсангиз ўшалардан яхши пул тушади.

– Лекин баланд шохларни бекорга кесибсиз, қушлар есаям савоб.

– Биласиз-ку, баландлаб кетганларни бутаб қўйишган.

# ҚОНДОШЛАРИМ

Айрим қондошларимнинг феъли қизиқ – тусланувчан, турланувчан, ўзгарувчан, гўёки бир танада бир неча одам яшаётганга ўхшайди. Ўзбек degani ўзи жуда ажойиб, самимий, сахий, оддий ва буюк қалб эгаси, дўсти у ёқда турсин душманига ҳам ёмонликни раво кўрмайдиган, меҳмондўст, камсуқум, камтар...

Аммо кейинги пайтларда бир ҳолатни кўп кузатамиз. Ўзбек йигитлари наҳорги ошларда бошқача қиёфада – қўли кўксида, сипо, ҳамма билан қадрдон, қучоқлашиб-қучоқлашиб саломлашишади, таниган-танимаганларга ҳам қўлини кўксига қўйиб, тавозе билан саломлашади, худди ўзбек, қуйиб қўйган ўзбек.

Масжидларда, маърака ва маросимларда ҳам ана шундай ажойиб манзара, хатти-ҳаракатлар намоён бўлади. Аммо... Орадан салгина вақт ўтиб, маросим тугагач, шу йигитлар енгил автомашинаси рулига ўтириб, йўлдаги шошқалоқ автомашиналар сафига қўшилиши билан...

Яна, чойхонада ўртоқлар даврасида бошқа одам, ресторанда бошқа, ишхонанинг, мансабининг характери, катта-кичиклиги, баланд-пастлиги, пулининг кўп ёки камлиги, ҳовлисининг ранги-рўйи...га қараб яна бошқа... ошдаги ўзбекка ўхшамайди.

Ҳақиқий ўзбекни кўраман десангиз наҳорги ошга боринг!

*“Одамнинг танаси бошқа моддалар каби электронлар ва протонлардан иборат... Биз фикр деб атайдиган нарса миядаги эгри-бугри чизиқларга боғлиқ”. Бертран Рассел. Юракдаги энергия ташувчи фаол электронлар дунё ва коинотнинг фаол зарралари – улар юракка тушган кўзга кўринмас ёлқиндай интилиш, чоғланиш, жўш уриш каби қанчадан-қанчалар инсонга хос ҳаётий психологик маъноларни ва уларнинг чексиздай кўринадиган маънавий оттенкаларини акс эттиради.*



*Суратда:* **Ўзбекистон халқ ёзувчилари — Асқад Мухтор ва Ўткир Ҳошимов**

# ЮРАККА ТУШГАН ЁЛҚИН

## Асқад Мухтор электронлари

**Иброхим ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби**

“Чоғланиш” сўзининг ўзи қанчадан-қанча маъноларни ифодалайди: менга қолса у жуда ҳам муҳим фалсафий тушунча. Лекин биз хеч қачон буларни фалсафий тушунчалар каби қўлламаймиз. Қўлласак ҳам, қани энди мен табиатнинг маҳсули ва мазмуни сифатида дунёга келган эканман, бор умрим давомида нималарга чоғланганимни тушунтириб беролганимда эди, деб армон қиламан. Бу бошқа барча индивидумларга ҳам тўла тааллуқли. Қани эди ҳар ким ҳаётга келиб ўзининг нималарга чоғланганлигини ёритиб, тушунтириб беролса! Ана ўшанда одам ва одамзоднинг кимлиги, нималиги очилиб, аён бўла бошларди. Электрон зарралар юрак мамлакати ва айниқса, миянинг онг ости деб аталган қисмида марказлашади. Марказлашган зарралар ортиқ даражада фаоллашади ва илҳом, ваҳий, ташбеҳ, мажоз, ритм, нағма деган жуда сирли ҳодисаларни вужудга келтиради. Онг ости эса интуицияларнинг макони. Зарралар интуицияларни шу қадар яхши кўрадики, бутун оламни интуицияларнинг жамулжамига айлантиришга интилади. Бальзак мўъжизакор романи “Маъшуқаларнинг хайлу ҳашамлари”да: “ИНТУИЦИЯ – ДАХО!” деб ҳайқирган эди. Бальзак, “Инсон комедиялари”ни яратган одам, интуиция нималигини жуда яхши биларди. Унинг ижод кемаси соф интуиция тўлқинларида тўхтамай сузарди. Тўхтамай образлар, дунёларнинг ритмларини яратарди. “Кутадғу билиг”да донишманд адиб тил — оху демишлар экан. Лекин Бальзакнинг шўх оху тили интуицияси тўлқинлари кетидан етиб улгурмасди.

Асқад Мухторнинг электронлари деб айтдик. Мабодо технопаркнинг ғалати термини бўлиб туюлмасин. Ижод интуициялар билан қанчалар чамбарчас боғлиқ бўлса, фаол электронлар билан ҳам шунчалар боғлиқ. Электронлар замирида образ ва нағма яратиш қобилияти ётади. Илҳом хотира ва таассурот ёлқинларидир. Электронлар таранглик, сиқиқликдан куч олади ва жўш уради.

Уруғнинг ёрилиши – электронларнинг жўш уриши, япроқларнинг портлаб яшил шаклларга кириши электронларнинг ижодкор феъли. Электронлар одамзоднинг феъл-атворини ҳам шакллантиради.

Асқад Мухтор ғоятда хайриҳоҳ ва ғоятда серандиша инсон эди. Андиша ва хайриҳоҳлик унинг инсончилигининг моҳиятини белгилар ва одамийлигини мазмундор қиларди. Унинг барча асарларида шу икки хусусият олтин зарралари – электрон зарралари каби товланади. Айниқса, унинг шеърларида андиша ва хайриҳоҳликнинг зарралари бениҳоя фаол. Андишали ва хайриҳоҳ инсон сифатида шеърларида у ўз олдига жуда кўп саволларни кетма-кет қўяди. Ҳа, аввало, уларни ўз олдига қўяди. Кейин нозик бир андиша билан саволларни ўқувчилари олдига ҳам қўяётгандек кўринади. Яъни сўзлари, хаёллари, иштиболари, саволларини ўқувчиларга тиқиштирмайди, уларнинг ғашига тегмайди, балки суҳбатдошга, маҳрамга, дардлашишга муҳтожлигини ишора қилади. Унинг чоғланиши, тараддуди жуда ҳам қизиқ. У инсон ҳузурида хаёлга ботган шоир.

Мана, Асқад Мухторнинг “Фабриканинг йўлида” деган шаклан ва мазмунан жуда содда кўринадиган шеъри. У қачонлар ёзилган. Асқад Мухтор болалик чоғларида Фарғонада онасига эргашиб фабрикага борган. Меҳнат-машаққатларни кўрган. Фабриканинг йўли унга она мерос. “Сизни ўйлаганимда ғамгинман бир оз” дейди. “Ғамгинман бир оз” деганда Асқад Мухтор ва унинг андишали фикри сирқираб туради. У ғамгинликдан шикоят қилмоқчи эмас. Лекин хотира сира ғамсиз бўлмайди-да. Шунинг учун ғамгинлигини, соғинчини, айрилиқни унутиб бўлмаслигини юмшатиб андиша билан ишора қилади. У шеърда сал қуйироқда “ўксик болалигимни қўмсайман баъзан” дейди. Бу ердаги “баъзан” юқоридаги “бир оз” билан жуда яқин, ўша андишали фикрлаш тарзи. Шоир болаликдаги фабриканинг йўлини ўзига тақдири азал деб билади. Уни умрининг илк сатрига ўхшатади. Тақдири азал ҳақидаги гапни ҳеч кимнинг ғашига тегмай, “советшуносларнинг” ғаддор куфрини қўзғатмай “ётиги” билан айтади. Негадир шу фабриканинг йўлидан бораётган меҳрибон она қиёфаси кўз ўнгимизда гавдаланади. Она юрган йўл бола қалбида мангу муҳрланиб қолган. Шоир тасвирламай туриб тасвирлаётгандай бўлади. Бўзламай туриб бўзлаётгандай кўринади. Фабриканинг йўлини бир-икки детал билан ифодалаб кўп нарсаларни ёдга солади. Таъриф-тавсифларсиз ажиб шеърий тасаввурлар яратади.

Асқад Мухтор жуда кўп ўйлайдиган, жуда кўп фикрлайдиган, жуда кўп ўқийдиган ёзувчи, шоир эди. Ер, инсон, сув, ҳаво ҳақида тўхтовсиз хаёл сурарди. Ўз олдига “Қайдан қайғача у менинг ҳаётим?” деганга ўхшаган саволларни қўярди. Ўйсиз, бепарво яшайдиганлар уни қаттиқ ташвишга соларди. Асарлар, шеърлар, ўша пайтларда жуда кўп битилган турли достонларнинг ярми ёлғон, ярми чинлиги уни азобларди. Шоирлар ёлғон ёзаётганликлари билан ифтихор қилиб мақтансалар, буни ижодкорликка нима алоқаси бор деб ҳайрон қолар, адабий суҳбатларида бунга рўй-рост тўхталарди. У “актуал” шеърларга, назмбозликларга тоқат қилолмасди. Чала-ярим ҳақиқатларни шоирлик мижози қабул қилолмасди. Уларга басма-бас рационал, интеллектуал шеърлар ёзарди. Бу томондан унинг шеърлари Мақсуд Шайхзода шеърияти билан ундош эди. Айниқса, Асқад Мухтор ўзининг Еру заминга барча ҳужайралари, барча зарралари билан боғланганлигини ҳеч қачон унутмасди. Ерни кўп ўйларди:

**Ер иссиқ, ер юмшоқ, ўзим ҳам ердан**
**У кўринмас менга бир маррасимон**
**Йўқ, мен абадийман, менга ўлим йўқ**
**Тирик табиатнинг бир заррасиман.**

У Ернинг бутунлигида инсон учун яшашнинг асосини кўрарди:

**Мен дунёда минг жилд китоб ўқиб**
**Топмадим бир кўнгил рисоласини**
**Қасамёдсиз севар ўз онасини**
**Ҳиссиёт ҳаётнинг аслига тўғри.**
**Идрок гоҳо яқин, гоҳо йироқдир.**
**Ҳаётга муҳаббат яшашнинг ўзи**
**Ҳаёт маъносидан улуғроқдир.**

Асқад Мухторнинг одамни теран ўйлатадиган шеърлари кўп. Унинг “Аслида вақт ўтмас, бизлар ўтамиз”, “Ерга мен ўзимни жондош сезаман”, “Доим календарь варақларининг хазонрезгисида яшаймиз” сингари машҳур сатрлари юракнинг осуда, майин ларзаларига ҳамоҳанг. Бу шивирлаб айтилаётган шеърий сўзлар одамга маҳрамона кайфият бағишлайди. Атоқли адиб Ўткир Ҳошимов: “Асқад Мухтор шеърларини бақириб, декламация қилиб тез ўқиш мумкин эмас. Уларни шошилмай, ёлғиз ўтириб ўқиш керак. Теран хулосаларга бой шеърлар” деб айтарди. Асқад Мухторнинг ёрқин иқтидорли ажойиб шогирдларидан бири, кўп достонлар, қўшиқлар яратган Ҳусниддин Шарипов: “Асқад Мухторнинг ўзига ҳам, сўзига ҳам ишонса бўларди” деб ёзган. Асқад Мухтор шеъриятининг теранлиги ҳозир ҳам ўз бағрига жозиб нафаси билан тортиб туради. Унинг “Бизнинг боғда” деб бошланадиган туркум шеърларини ўқисангиз, юрагингиз табиат билан туташиб унинг кўз илғайвермайдиган мўъжизалари ичида дунё океанида чайқалгандай чайқаласиз:

**Бизнинг боғда шифобахш ўт бор,**
**Халқ унинг отини баргизуб демиш.**
**Чунки ўша ўтни тунлари бедор**
**Юлдузлар нур билан**
**суғорор эмиш...**

Асқад Мухтор ўз шеърларини ҳам юлдузлар нур билан суғоришини орзулайди. Шеъри юрак яраларига малҳам бўлишини истайди. Юракка ёлқин тушса, одам табиат билан шундай бирга уйғунликда яшайди. Юрагида табиат ато этган ёлқинлар замондошлари ва келажак авлодларни ҳам шуълапардоз қилади. Сиз ўзингизга мангу лаҳзалар ҳақида маҳрамона овоз билан куйлаган ҳамроз ва ҳамроҳингиз борлигидан ҳаловат муҳитига чўмасиз. Аср билан кифтма-кифт яшаган шоир, адиб, таржимон Асқад Мухтор барҳаёт.

# АТОҚЛИ ТАРЖИМОН



Ўзбек адабиёти ва маданияти оғир жудоликка учради. Шу йилнинг 21 декабрь куни атоқли таржимон, адабиётшунос Амир Файзулла 76 ёшида вафот этди.

Амир Файзулла 1945 йил 15 январда Ғаллаорол туманида туғилган. 1968 йили Тошкент давлат университетининг шарқшунослик факультетини тамомлаган, мутахассислиги бўйича ҳиндшунос эди.

У дастлаб Ғаллаорол туманида мактаб ўқитувчиси, сўнг Тошкентда Ғафур Ғулом номидаги нашриётда муҳаррир, кейинчалик “Прогресс” нашриётида бўлим мудири, “Халқ мероси” нашриётида муҳаррир, Ўзбекистон радиосида таржимон, “Жаҳон адабиёти” журналида етакчи муҳаррир, бўлим мудири вазифаларида меҳнат қилди.

Амир Файзулла Ҳиндистон, Суринам, Голландия, АҚШ, Россиядаги илмий-амалий анжуманларда фаол қатнашар эди. Ҳиндий, урду ва рус тилларидан ўзбек тилига ўттиздан ортиқ роман ва қисса, тўрт юз сериядан ортиқ ҳинд фильмларини таржима қилди, юзлаб публицистик ва илмий-маърифий мақолалар ёзди. У таржима қилган “Ҳинд халқ эртаклари”, “Тўтинома” ва “Айёр вазир” номли ҳинд эртаклари, Кришан Чандр, Яшпал, Премчанд, Бҳишам Саҳнийнинг ҳикоялари, “Оташ нафаслар”, “Индиранинг совғаси” ҳикоялар тўпламлари, Премчанднинг “Нажот”, “Жанг майдони”, “Фидойи”, “Севги инъоми”, “Нирмола”, Кришан Чандрнинг “Бир қизга минг ошиқ” каби романлар адабий жамоатчилик ва мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. У Маҳатма Гандининг “Менинг ҳаётим” асарини, Рейдар Хаггард, Теодор Драйзер, Бульвер Литтон, Жамол Ғийтоний, Лобсанг Рампа, Ирвин Шоу ва Мо Ян каби жаҳон адибларининг тил ва услубий жиҳатдан мураккаб, аммо умуминсоний аҳамиятга молик асарларини рус тилидан таржима қилди.

Амир Файзулла “Маҳобҳорат”, “Мирзо Ғолиб”, “Рамаяна”, “Бобур” сериалларини, “Сангам” каби ўнлаб ҳинд кинофильмларини ўзбек тилига ўгирди. Ўзбек тилидан ҳиндий ва урду тилларига ҳам ўзбек адибларининг бир қанча асарларини таржима қилган. Унинг урду тилида “Ўзбекистон шоирлари” (1972), ҳиндий тилида эса “Мустақил Ўзбекистон шоирлари” (1995) ва “Ўзбек адабиёти намуналари ҳиндий тилида” (2014) тўпламларида таржималари чоп этилди. Увайсий ғазалларини, Нодира шеъриятидан намуналар ва Маҳзуна мухаммасларини ҳиндий тилига юксак маҳорат билан таржима қилди.

Амир Файзулла таржимашунослик тарихини атрофлича ўрганиб, айни пайтда ҳиндшунос сифатида ҳинд ва урду тилларидаги талайгина асарларни ўзбек тилига ўгириб, ўз таржима мактабини ярата олган улкан ва сермаҳсул таржимон даражасига кўтарилди.

Унинг миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига қўшган ҳиссаси давлатимиз ва жаҳон мамлакатлари томонидан муносиб тақдирланди. Амир Файзуллага “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони (2000), Тожикистон Фанлар академияси қошидаги Бадиий фанлар университетининг фахрий доктори унвони (2018) берилган. Ҳиндистон давлати ва Марказий ҳиндий тили институти томонидан “Чет элда ҳиндий тилини ўқитиш, ташвиқот ва тарғибот этиш соҳасидаги муносиб фаолияти учун” доктор Жорж Грирсон номидаги халқаро мукофот (2020) билан тақдирланди.

Фаол таржимон, фидойи, ҳалол ва камтарин инсон, меҳрибон устоз, садоқатли дўст Амир Файзулланинг порлоқ хотираси ҳамиша қалбларимизда яшаб қолади.

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси**

**Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони**

*28 декабрь – Эркин Воҳидов таваллуд топган кун*

# ШОИР БАХТ ҲАҚИДА ЁЗАДИ



Шеър шоир қалбида туғилган ҳаётий туйғуларни ифода қилади ва шу билан бирга ўқувчи қалбини ром этади. Шоир ўзи ёнмаса, бошқаларни ёндиролмайди, қалб ҳисларида оташ бўлмаса, бошқа қалбларга ҳарорат беролмайди. Бу сеҳрли оташсиз ҳар қандай шеърий жамжамалардан, бадиий воситалардан, маҳоратдан наф йўқ.

* * *

Инсон юраги ҳам бир олам. Унинг ҳам баҳор ва кузлари, тонг ва туналари, ором ва зилзилалари бор. Шеърият юрак садоси бўлганидан ана шу мураккаб туйғулар оламини ифода қилади. Шунинг учун ҳам бир шеърни ўқиб қувонсак, кўксимиз сурур ва ифтихор туйғуларига тўлса, иккинчи бир шеърни ўқиб хаёлга толамиз, инсон дардларига ошно бўламиз. Шоирлик ўша туйғуларнинг табиийлиги ва ҳаққонийлигига шеърхонни ишонтира олиш қобилияти истеъдоднинг ибтидоси.

* * *

Бахт шундай нарсаки, борлигида киши уни сезмайди, йўқлигида орзу қилади. Бахтли одам “мен бахтлиман”, деб оламга жар солмайди. Инсон ҳеч қачон бахтга тўйган, бахтим етарли, деган эмас.

Аслида, ҳаётда бирор мақсад билан яшашнинг ўзи бахт. Мақсадсиз яшаш шундай қўрғиликки, у ҳеч кимнинг бошига тушмасин! Кишида мақсад бўлса, унга эришиш йўлида курашиш, машаққат чекиш, таъна-дашномлар эшитиб куйиб-ёниб юриш ҳам – бахт.

* * *

Мен киночи бўлсам, “Бахтиёрлик лаҳзаси” деган фильм яратган бўлардим. Бу фильм бахт лаҳзалари мажмуасидан иборат бўлар эди. Унда маррага етиб келган спортчининг ғалабадан чарақлаган кўзлари, Ерга қўнган космонавтнинг кулгусини, илк бор висол дамларига етишган икки севишган ёш қалб тошқинларини, шеър ёзиб тугатган шоирнинг қувончини, чет элдан қайтаётган туристнинг мамлакатимиз чегарасини кесиб ўтгандаги шодлик ҳаяжонини, узоқ жудоликдан сўнг боласига етишиб қучоқлаган онанинг севинч ёшларини, ўз меҳнат самарасини кўриб мамнун бўлган киши севинчини... суратга туширган бўлардим.

Шоир нимаики ёзса, бахт ҳақида ёзади, бахтини ёки бахт ҳақида орзусини ёзади.

* * *

Ҳиндистон оламга кўп даҳо шоирлар берган мамлакат. Улар ўз она юртлари қисматини буюк асарларда куйлаб ўтганлар. Шундай шоирлардан бири Бенгаланинг оташин фарзанди Назрул Исломдир.

Назрул Ислом Ҳиндистоннинг бирлиги ва озодлиги учун курашиб, ўзининг ёш жонини фидо қилган сиймо. У мустамлакачилар зулмига қарши шеърлар билан ошкора жанг қилган, ватанини озод, мустақил, қўшнилари билан бирдам кўрмоқни орзу қилган эди.

Муттасил қувғин, ҳибслар шоирни оқибат ҳалокат гирдобига олиб келди. У ўттиз бешга тўлмаган ёшида, айни ижоди камолга етган чоғда эс-ҳушидан айрилди.

Назрул Ислом бир неча йил муқаддам табаррук ёшда вафот қилди. У қирқ йил дунёда беҳуш, девона бўлиб яшади. Ўзи орзу қилган озодликни, мустақилликни барҳаёт бўла туриб билмади, сезмади.

Мен ана шу фожеий қисмат тўғрисида достон ёздим.

* * *

“Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам”. “Наводир уш-шабоб” девонидаги бу мисра хаёлимни банд этиб, Навоий китобини яна қўлга олдим. Ҳазрат қаламидан тўкилган борлиқ дурдоналар каби бу сатр ҳам мени қайта ҳаяжон ва қайғуга солди.

Бу оламда йўқотишлар ичидаги энг оғир йўқотиш инсоннинг ўзлигини йўқотишдир. Одамзод тафаккур ва эҳтирос, руҳият ва имон дунёсида яшайди. У юрагидаги эътиқод билан, ишонч билан тирик ва бутун. Ўзликни йўқотмоқ ана шу оламдан жудо бўлмоқдир, инсон иморатидаги рукнларнинг – устунларнинг синмоғидир.

* * *

Ўзбекда ҳам, тожикда ҳам бир одат бор: кўришган одами билан яқинлашиб олиш учун уни сўроққа тутиб, авлод суриштириш одати.

– Ассалому алайкум, қаердан сўраймиз?

– Исфарадан (ё Боғдоддан, ё Риштондан)...

– Янгиқўрғондан (ё Учкўприкдан, ё Қизилтепадан)...

– Учкўприкданман денг! Яккақудуқлик Бегмат полвонни танийсизми?

– Таниганда қандоқ. Бегмат полвон бизга тоға ҳисоби.

– Э, бояддан бери шуни айтмайсизми. Қани, қани бир бошқатдан қучоқлашиб сўрашайлик, қариндош чиқиб қолдик. Биз ҳам Бегмат полвонга жиян ҳисоби.

Агар ўзбек билан тожик ўтириб ана шундай авлод суриштирадиган бўлсалар, улар ҳам бориб-бориб Зебунисо ва Мирзо Бедилга жиян, Беруний билан Ибн Синога набира, Аҳмад Дониш билан Айнийга фарзанд бўлиб чиқадилар.

Биз бугун Душанба ва Конибодомда ўз шеъримизни ўзбекча ўқисак, тожик шоирлари Самарқанд ва Бухорода тожикча ўқиб олқиш оладилар.

Биз шиpaу шакар йўлида битилган байтнинг икки сатримиз.

* * *

Кишига дунёни кўрмоқ учун кўз берилган, уни эшитмоқ ва сезмоқ учун қулоқ ва сезгилар берилган. Оламни билиш учун эса одамзоднинг тафаккури бор. Инсон дунёга келиб дунёни билишга интилади. Кўз билан кўриш учун машаққатлар чекиб олам кезади, оҳангларни эшитиш, завқлана билиш учун мусиқа ўрганади. Ўтмишу бугунни ёрқинроқ тасаввур этиш, эртани хаёл билан қамраш учун болаликдан йиллаб меҳнат қилиб савод ўрганади, китоб ўқийди. Чунки китоб инсонга табиат томонидан мўъжизадек ҳадя этилган тафаккурни ёритувчи машъалдир.

Гётенинг “Фауст”ини таржима қилишга мени нима ундади? Бу саволга нима деб жавоб берсам экан? Ватанпарварлик, гражданлик туйғуси десам, баландпарвозроқ бўлади. Газетага муҳаббат десам, бу сўзнинг ўзи камроққа ўхшайди. Шеъриятнинг олий курсига талаба бўлмоқчиман, “Фауст” мактабини ўқимоқчиман, десам камтарликдан холи бўлади. Менимча, бу асарни мен таржима қилганимда ҳам, бошқа шоир қилганида ҳам барибир шу кунларда қилиниши керак бўлган, зарур ишлардан бири деб ўйлайман. Маданиятимиз даражаси шу даражага етиб келди, деб ўйлайман.

***“Шоиру шеъру шуур” китобидан.***

## АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШРЛАР

### “ЖАҲОН АДАБИЁТИ”

**2020 йил, ноябрь сони**




Журналнинг ушбу сонидаги насрий асарларга ажратилган саҳифаларда атоқли олмон адиби Стефан Цвейгнинг “Азалий аканинг кўзлари” қиссасини (рус тилидан И.Чориев таржимаси), таниқли қорақалпоқ адиби Муродбой Низановнинг “Дарбадар” романини (қорақалпоқ тилидан Ғ.Шермуҳаммад таржимаси) ва Олим Отахон таржимасида Хосе Диас Кансеконинг “Пириддоқ” ҳикоясини ўқийсиз.

С.Цвейг қиссаси инсоннинг ўзини, Худони, тириклик моҳиятини излаши, атрофидагиларга меҳри мавзусига бағишланган. Асарни ўқиш жараёнида китобхон одам бу оламнинг улкан жумбоғи, ҳаёт эса ўта мураккаб мавжудлик эканини англаб етади.

Ҳаёт жумбоқларга, синовлар ва тасодифларга тўла. Инсон иродаси бундай имтиҳонларга қандай дош беради, ўзини қай тарзда бутун сақлаб қолади? М.Низановнинг “Дарбадар” романи мураккаб ва аччиқ тақдир эгаларининг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

Ўзининг қисқа кечган ҳаёти давомида яратган чинакам халқона, самимий ва жўшқин лирикаси билан кенг шуҳрат қозонган қозоқ шоири Мукағали Мақатаевнинг ижодий меросидан намуналар Тоҳир Қаҳҳор таржимасида берилган. Машҳур рус шоири Велимир Хлебников шеъриятидан намуналар эса Турсун Али томонидан ўгирилган.

Тўрт карра “Оскар” мукофоти совриндори, олтмишдан ортиқ бадиий ва ҳужжатли фильмлар муаллифи, швециялик режиссёр ва ёзувчи Ингмар Бергманнинг “Дардлар ортидаги умр” сарлавҳали суҳбатида (А.Матёқубов таржимаси) муаллифнинг ижодий олами, шахсияти, ботиний кечинмалари акс этган.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонида Ирвин Шоунинг “Тиланчи ва ўғри” романи давомини ўқийсиз.

АФИША

# РАМЗЛАР ЖИЛОСИ

*Ўзбек киносида ўзига хос йўналишга эга ижодкор Ёлқин Тўйчиев 2019 йилнинг сентябрь, октябрь ойларида “Фариданинг икки минг қўшиғи” фильмини суратга олди. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳамда “Fox music cinema” киностудияси ҳамкорлигида суратга олинган мазкур фильм Сурхон воҳасининг Бойсун тоғларида тасвирга туширилган. Фильм оператори Баҳодир Йўлдошев, рассом Бектош Ражабов, картина директори Шавкат Ризаев, продюссер Дониёр Аъзамов, иккинчи режиссёр Нодира Зуфарова.*

Янги киноасар Ё.Тўйчиевнинг навбатдаги муаллифлик фильми бўлиб, картинада Баҳром Матчонов, Маржона Ўлжаева, Нодира Хожиқулиева, Юлдуз Ражабова, Илмира Раҳимжонова, Анвар Ҳамроқулов, Санобар Ҳақназарова, Комил Шокиров каби маҳоратли ва ёш актёрлар қатнашган.

“Фариданинг икки минг қўшиғи” фильми “Олтин глобус”нинг бу йилги “Хорижий тилдаги энг яхши фильм” номинациясида қатнашиш учун танлаб олинди. Ушбу йўналишдаги совринга 77 мамлакатнинг 138та фильми даъвогарлик қилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон “Оскар” қўмитаси томонидан сайёрамизнинг нуфузли Оскар мукофотининг “Энг яхши халқаро бадиий фильм” йўналиши бўйича Ўзбекистон номидан айнан шу фильм танланди. Маълумки, “Оскар” тақдирлаш маросими 2021 йилнинг 25 апрель куни Лос-Анжелес шаҳрининг машҳур “Dolby” театрида бўлиб ўтади.

Хўш, “Фариданинг икки минг қўшиғи” фильми ўзбек киношунослари ва нозиктаъб киносеварларни нимаси билан қизиқтирди? Унинг ўзига хос жиҳати нимада?! Фильмнинг жанрига “Ўзбеккино” МА қуйидагича тавсиф берган: “Фариданинг икки минг қўшиғи” фильмида ўтган асрнинг бошларида Туркистонда юз берган сиёсий воқеаларнинг шу юрт аҳолисига кўрсатган таъсири бир оила мисолида очиб берилади. Юз бераётган воқеа-ҳодисаларга эътибор бермай, одамлардан нарида уч нафар хотини билан умргузаронлик қилаётган Комил тўртинчи бор уйланади. Янги аёлнинг оилага кириб келиши билан боғлиқ баъзи можаролар ва ҳудуддаги сиёсий аҳвол хонадоннинг пароканда бўлишига сабаб бўлади”.

Ҳақиқатан ҳам шундаймикан?.. Фильмни бир неча марта кўрган томошабин сифатида шуни айтишим мумкинки, унинг ўзига хос жиҳати халқ турмушидаги урф-одатлар, қадриятлар, ҳатто буюмлар ҳам яширин синоатни очишга хизмат қилишида. Томошабинда “Комил додхо(актёр Баҳром Матчонов)нинг тўрт хотини бор. Тўртинчи аёли Фарида. Нега фильм “Ҳусния, Робия, Мағфиратнинг икки минг қўшиғи эмас, Фариданинг икки минг қўшиғи деб номланади?” деган савол туғилиши табиий. Савол пайдо бўлишининг ўзиёқ фильмнинг жумбоқ эканлиги ҳамда ушбу жумбоқ режиссёр бошчилигидаги ижодий жамоа орқали томошабин билан биргаликда ечилишига ишорадир. Шу жиҳатдан қараганда, бу асарни этнография унсурлари мужассам, рамзлар, метафораларга тўла мелодрама, деган бўлардим.

Томошабин фильмдаги рамзларга кўчган “улкан билим” орқали режиссёр нима демоқчилигини англаши мумкин. Зеро, рамзлар фильм мазмунини тушунишда бир калит. Калит билан қопқани очиб кириш, “хазина”га эга бўлиш очгувчига боғлиқ, албатта. Ҳар қандай бойлик қадрланса, баҳоси бўлади. Баҳосини олган нимаики бор, янгидан туғилиб, қайта қувватга киради. Фильмдаги воқелик билан нафис уйғунлашган халқ қўшиқлари андуҳлими ёки орзу-изтиробларга тўлами, барча-барчасидан самарали фойдаланилган. Қаҳрамонларнинг нутқи, хатти-ҳаракатлари, ишлатаётган буюмларигача рамзийлик бор. Камина ундаги рамзларни ўзак рамзлар (Ҳофизтоғ, Мағфират ўзи учун ясаган қафасмонанд “қўрғонча”, додҳонинг уйи, ундаги катта, кичик, ўрта ракурсда кўрсатилган том, деразалар, уй атрофида санғиб юрган ит) ва вазият рамзларига (олма, пичоқ, ўсма, хина, аччиқтош, тош, тароқ, белбоғ, савағич, ковуш, хамирдан нон зуваласини ясаш, сочни тараш, бош ювиш, чигалини ёзиш, бир лагандан ош ейиш, чой, “Маузер” тўппончаси, грамафон сингари) ажратдим.

Воқеалар Комил додҳо Ҳофизтоғ этагидаги қўрғонга келинчак Фаридани қўқон аравада олиб келиши билан бошланади. Нима учун Комил додҳонинг ҳаёти, турмуши Бухоро амирлигида эмас, балки тоғлар этагидаги сомонсувоқли, томи лойсувоқли жойда кечади? Унинг бойлиги етарли бўлса. Чунки Додҳо сиёсатдан чекиниб, тоғ ёнбағрида ўз оламини яратишга ҳаракат қилади. Донишмандлар оламни Улкан ва Кичикка ажратиб таснифлашади. Улкан олам ичида инсон Кичик олам саналади. Оламларнинг ўзаро боғлиқлиги, ягоналиги қайд этилади. Айни пайтда ҳар бир одам ўзича бир олам. Комилбек додҳонинг тўрт аёли тўрт олам, тўрт воҳанинг ўзига хос темпераментига (мижозига) эга аёллар. Актриса Илмира Раҳимжонова ижросидаги бош хотин Ҳуснияда оғир-босиқлик, мулоҳазакорлик, тупроқдек хокисорлик аро хонадонни бошқариш устун бўлса, Юлдуз Ражабованинг Робиясида қизиққонлик, ишқ йўлида барча нарсани йўқ қилиб, “куйдириб ташлаш” хусусияти мужассам. Учинчи хотин ролини ижро қилган Маржона Ўлжаеванинг характерида шамолдек беқарорлик, болаларча беғуборлик бор: “ярим чала ўспирин, ярим чала жувон”. Санобар Ҳақбердиеванинг Фаридаси эса илмли, зиёли аёл тимсоли. Аёлларнинг қайси воҳаданлиги уларнинг либоси, шеваси орқали аниқ очиб берилган.

Фильмда актриса Юлдуз Ражабова — Робиянинг эридан хушнуд бўлган онларида томга чиқиб олиб қуритишга қўйилган сузма қурутларни тўрт саватдан истаганича олиб ейиши сюжети бор. Аҳамиятли жойи, қуритилган қурутлар бешинчи саватга йиғилади. Бу аёллар орасида ўзига хос ҳукмронлик, “энг севимли аёл” сюжет линиясини кўрсатишга хизмат қилган. Юлдузнинг аламзада ҳолатда олмаларни пичоқ билан шарт-шарт кесиши ҳам унинг орзу-умидлари саробга айланганини намоён қилган.



Сценарий муаллифи сифатида Ёлқин Тўйчиев қаҳрамонлар нутқида ўзига хосликни ниҳоятда маҳорат билан очиб берган. Нутқларни тинглар экансиз, ҳар бир қаҳрамоннинг ўзига хос характерини билиб оласиз ва XX аср бошларидаги ўзбек тилини эшитасиз. Ҳатто Додҳонинг жияни бўлмиш Қоровулбеги ролини ижро қилган Эгамберди Раҳимовнинг “...ватангадолик оғир мусибат, омма большавойни кўзи оч, омонлик кутманг”, деган мурожаатида ҳам бекларга хос виқорни англайсиз. Игорь Бухаидзе ижро қилган оқ аскарлар командирининг “Красные Харезм взяли. Нынче оно не ханство, а Советская республика... возьмут эмират и все. Тебе хана. Кабул, Герат, Истанбул, Париж, незнаю, Америка” каби сўзларидан билиш мумкинки, Комил додҳо қаердадир овлоқ жойда қолиб кетган инсон эмас. Унинг оқ подшо командири, Бухоро амирлигида ҳам обрў-эътибори бор, ватанпарвар шахс, юртининг бой одами.

Актёр Баҳром Матчоновнинг нигоҳида ҳаёт қийинчиликларида тобланган, аммо Ватанини ҳеч қаерга алмашмайдиган, оиласини ҳам “кичик Ватан” сифатида ардоқловчи оилапарвар, донишманд шахсни кўрамиз. Тоғ ва том — “оиланинг устуни” рамзлари Комил додҳога хослигини актёр кескин, ўктам нутқи, нигоҳи орқали кўрсатиб беролган. Унинг аёлларига қаҳри ҳам, меҳри ҳам ақл билан бошқарилади. Ўзининг бепуштлигини англаган ҳолда, Фариданинг фарзанд кутаётганини билгач, кенжа хотинини жазоламайди. Аксинча, “миллатим давомчиси туғилади” деган маънода ўзини билмасликка олиб, беайб Мағфиратни жазолайди. Бунда Комилбойнинг кейинги вазиятларни олдиндан таҳлил қила билиши — дипломатлигини кўриш мумкин. Ўша даврдаги ақидалар бўйича зинокор аёл ҳам, эркак ҳам тошбўрон қилинган. Комилбой бундай йўл тутмайди. Бойлар ўрнига келадиган “йўқсул зиёли йигит”га ўзининг “эрлик ўрнини” бўшатиб беради, уч аёлини ўзга юртга йўлга кузатаётганда уларни ҳамда бойликларини ўша зиёли йигитга ишониб топширади.

Фильм оператори Баҳодир Йўлдошев ва рассом Бектош Ражабовнинг ишларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Эр ва хотин ўртасидаги нозик, интим муносабатлар, суҳбатлар очиқ-ойдин кўрсатилмайди. Балки пичоқ, белбоғ, олма, илик қоқиш, лагандан бармоқ билан ош ошлаш, эшик ва деразаларнинг очилиш-ёпилиши билан намоён қилинади. Актриса Илмира Раҳимжонова — Ҳуснияниннг Фарида ҳомиладор бўлгач, супра устида нонга зувала узиш жараёнидаги монологи унинг нақадар донолигини очиб берган. Ҳуснияниннг: “Менга қаранг, ҳурлиқо, балки пешонангиз ярқирагандир, балки бу ҳомила нақ мўъжизадур, балки сиз авлиё, биз эса гуноҳга ботқон номаъқул банда... омма бу дигони мен кўр, кар, ёхуд аҳмақ дегани эрмас. Ҳар банданинг, биласиз, ортида ўз сояси бор. Ул сояга кунму, тунму, қомар ёхуд шамс фарқи йўқ — нур бўлса етар — соя кўринади қўяди номард. Ҳм?” тарзидаги нутқининг ўзиёқ рўй берган вазиятни ойдинлаштиради. Халқда “зуваласи пишиқ”, “патирига яраша кулчаси” каби иборалар бор. Бадиий фильмдаги супра устидаги хамир детали ҳам бекор қўлланмаган. Бунда ўзак рамзнинг барқарор шакл ва мазмуни яққол кўзга ташланади. Ҳуснияниннг доим ўчоқ, қумғон атрофида бўлиб, олов ёқиши ҳам оила кўрини ёритиб турувчилигининг белгисидир.

Фариданинг “оғир оёқлик” ҳолатини билгандаги Робиянинг олов атрофида “Лазги”га рақс тушишини дилдаги туғёнлари, изтиробларини ташига чиқараётган аёлнинг жазбаси деган бўлардим. Аслида ҳам, манбаларга кўра, “Лазги” рақси зардўштийлик динида гуноҳлардан фориғланиш ва экстаз ҳолатига тушиш учун оташкадаларда ижро қилинган.

Комилбек додхонинг Мағфиратнинг жимжилоғини чопқида узиб ташлаш сюжетида бечорагинанинг атрофида майда тошчалардан чегара қилиб олиши воқеаси қаҳрамон тилидан “тошингни тер”, “менинг юмушимга, ҳаётимга аралашма” сингари кўчма маънолар англанади.

Фильм якунидан олдинги сюжетда Комилбек додҳо Ҳофизтоғдаги ғорга бориб, оила аъзоларидан ташқари барчадан сир сақлаган биринчи хотинини оёғига қулфланган кишандан озод этади. Бу шахснинг дунёнинг майда-чуйда ташвишли кишанларидан озод бўлиб, ўзлигига қайтиши рамзидир. Додҳонинг ёғоч тароқда аёлининг соч чигалини ёзиши олдиндаги хатарли вазиятнинг ечимини топиб, чигалликларини ечганига ишора. Тароқ салбий эҳтирослар, ҳирс чангалзори рамзи. Нодира Хўжақулиева ижросидаги Хайринисанинг мингбоши қўлига тароқ тутишида ҳам инсон ўзи юзага келтирган мушкулотларни фақат ўзи ҳал қила олади, деган рамзий маъно мужассам.

Сиёсатга бир аралашдингми, ундан чиқиб кета олмайсан. Агар сен сиёсат билан шуғулланмасанг, сиёсат сен билан шуғулланади. Комил додхонинг олдига келган “оқлар” ҳам, “босмачилар” ҳам унинг молини олишади, бироқ жонини омон қолдиришади. Аммо юқорида келганларнинг огоҳлантиришига қарамай, “қизиллар”дан хавфсирамаган бойнинг жонини янги, қаттол совет тузуми тўппонча отишни ўзи ўргатган севимли аёли Робия орқали олади. Бу эса ўша пайтларда ака укага, хотин эрига душман бўлган фуқаролик урушининг асосий иллатларидан эди. Дард, нола билан куйланган қўшиқ ўрнини грammафон орқали янграган Фёдор Шаляпиннинг қўшиғи эгаллайди. “Қизиллар” додхонинг уйига ўт қўйиб кетишади. Бу янги тузумнинг ҳақиқий юзини кўрсатади. Қадим туркий халқлар оғзаки ижодининг жавҳарини ўзида жамлаган “Таъбирнома”(Ирқ битик)да “Катта уй ёнди. Унинг туби пойдеворигача ҳеч ким қолмади, Четанларигача қолмади дейишади. Билиб қўйинг — бу ёмон”, дейилган. Кино тилида фильм ижодкорлари янги — советлар тузумининг кўп инсонларга бахтсизлик олиб келганини, талон-торожликка асосланганини уйнинг ёқилиши орқали очиб беришган.

Алалхусус, “Фариданинг икки минг қўшиғи”ни томоша қила туриб, инсон нима учун қўшиқ тинглайди, нега сурат чизади, нега кино томоша қилади сингари саволларга жавоб топдим. Буларнинг барчасидан инсон ўзини қидиради. Қаердаки, ўзини топса, ўша санъат асарларига кўнгли боғланади. Боғланиш ҳайрат туғдиради. Ҳайратдан руҳий қониқиш топади. Ифода усуллари нурли ҳамда тафаккурга ундайдиган мазмун билан уйғунлашса, томошабинда тафаккурга чорлайдиган куч пайдо бўлади. Ҳақиқий бадиий фильмнинг бадиийлиги ҳам, эҳтимол, шунда бўлса керак.

**Нигора УМАРОВА,**
**киношунос**

---

# ҲАЁТ БИЛАН КЕЛИШИБ... ЯШАЯПМАН

*Шоир кундалигидан парчалар*

**Хосият РУСТАМОВА**



Атрофимдаги одамларнинг бири эдим...

Сиз тасаввур қилаписизми, саккиз йил ёзмай яшаш нима эканлигини? Аслида саккиз йил яшамай яшадим гап! Менга тонг билан туннинг фарқи йўқ эди... Ёмғир ёғадими, қорми, шамол эсяптими, осмонда ой борми ёки юлдузларсиз қоп-қора осмонми, кўзимга кўринмаган. Атрофимдаги одамларнинг бири эдим. Ичимдан тополмай қолдим ўзимни... Қаерга кетгандим? Қаерда яшадим саккиз йил? Ўшанда ҳам тирикмидим? Аллоҳнинг раҳми келса, ҳеч нарса эмас экан, шошириб қўяркан. Нима қилишимни билмай қоларкансан! Тезрок! Тезрок ёзиб ололсайдим... яна... яна... ҳамма томоним Сўз! Сўзлар қуршовидаман! Нафасимга Сўз қадалади! Бундай лаҳзаларнинг гадоси эдим кеча... Кечада ҳам бор бўлганмидим? Юрагим урганмиди, тирик эканлигимни нимадан билардим? Яшаётганимни-чи? Аниқ эсимда, ёзсам, ёзолсам-чи, дердим. Ичим олов бўлиб ёнаверарди. Шамолнинг раҳми келарди... Ёмғир кўзларини катта очиб дераза олдида мени қидирарди. Мендан умидини узган қор ерга сингиб кетаётганда, шунақам аянчли жовдирардики, қанча қарамасликка ҳаракат қилмай, кўриб қолардим... Аммо пинагимни бузмасдим, безга ўхшаб тураверардим. Ҳаммасига кўникканман, тақдирга тан бергандим... лекин... ичимдаги шовқинга, бир-бир жон таслим қилаётган туйғулар шовқинига чидамоқ мушкул эди... Ва бир кун нимам бўлдию Сен келдинг! Сен билан бирга кўзимга ёш келди. Мен ҳаммасини эслаб қолдим. Сўзлар шу қадар тирик эдики, мени ўз қўллари билан бўғиб ўлдирсалар ҳам лом-мим деёлмасдим. Чунки мен уларни жуда соғинган эдим...

*2020 йил, июнь*

* * *

Сен ўйинчоқ эмассан, ўйинчисан!

Нима дедим; мен ўйинчоқ эмасман, дедингми? Ким Сенга ўйинчоқсан, деди? Сен ўйинчоқ эмассан, Сен ўйинчисан! Сен юрак билан ўйнайдиган, туйғуларни оёқ остига олиб тепкилайдиган ва боз устига уларни масхара қиладиган ўйинчисан! Мен Сенга атрофимдаги ҳамма деворларни қулатиб бордим. Мен Сенга шамоллардан баландроқ, қушлардан тезроқ учдим. Мен Сенга боргунча булутларга исмингни ёзиб бордим... ақлдан озиб бордим... Шеърдай тўкилиб бордим, ўзимда йўқолиб бордим. Йиғладим, йиғлайвердим... кўз ёшларим тонгни шом, ҳаёт мени адою тамом қилди... Сен эса менинг устимдан куласан, суратларинг билан мақтанасан... Бечорагинам! Мен эса сенинг суратларингга қараганимда раҳм келади, суратларингни қучоқлаб йиғлагим келади. Сен қаердаги одамларнинг гапларига ишонасан! Шундай лаҳзаларда сени ёмон кўриб кетаман, сен ҳам ўша одамларнинг бири бўлиб кўринасан кўзимга! Кўзларинг ҳам ёмон кўриниб кетади кўзимга! Бу ҳолат бахтсизлигини яшираётган бечора одамларни эсга солади. Сенга бир савол берсам майлими? Сенинг суратларингдан бошқа мақтанадиган нарсанг йўқми? Ахир, Сен мен учун жуда бошқачасан-ку... фарқинг йўқми бу одамлардан? Мен ҳар куни осмонга қалинчак солиб учаётган маҳалим ҳаяжонларим атрофимда парвона оппоқ булутларга айланади! Мен булутларнинг хўжайини каби ҳис қиламан ўзимни. Балки сен ҳам менинг туйғуларимни ўйнаётган маҳалинг ўзингни подшолар каби ҳис қилаётган бўлсанг, мен сени тушунаман, чунки менинг туйғуларим ҳам, мен ҳам шунчаки ўйинчоқ эмасмиз... Сен бой бўлишинг мумкин, лекин менинг туйғуларимни сотиб олишга ҳеч қачон пулинг етмайди. Сен бекор қилдинг... ўзингни аямадинг! Сен бора-бора кўз олдимда ҳамма нарсасини йўқотиб бораётган буюк қиморбозга ўхшаб кетяпсан! Яна ўйинчоқмассан, дейсан! Биз ўйинчоқмиз, Марина! Биз тақдир ўйинчоқларимиз! Аллоҳнинг ўйинчоқларимиз! Бизни қайси кўйга солади тақдир. Истаса, қумларга тўкиб ташлайди, истаса, денгизга улоқтиради. Шу Денгиз сўзини бекор айтдим... кўзимдан ёш қуйилиб кетди. Сен менинг Денгизимсан!

*2003 йил, июнь*

* * *

Ҳаёт билан келишиб яшаётган ўлим...

Инсон ҳаёти давомида бир неча марта ўлади. Ва бир кунда эмас, йиллар давомида секин-секин ўлиб боради. Бу дунёдан секин-секин йўқолади. Бу кўринадиган жараён бўлмагани учун кўрмаймиз, йўқолиб бораётганимизни ҳис қилмаймиз! Бир кунда туғилиб, бир кунда ўлганга ўхшаймиз. Аслида, бизнинг ҳар кунимизда ўлим бор, ҳар бир кунимизда ҳаёт билан келишиб яшаётган ўлим бор. Биз баъзан касал бўлганимизда унга дуч келамиз ва кўп нарсаларни тушуниб етамиз...

*2020 йил, июнь*

* * *

Майли, мен ишимни қилай...

Мен шу кунларда ёзув машинкасига айланганман! Ёш болалар кичкина леголардан турли уйлар, шаҳарлар ясаган каби мен ҳам ҳарфлардан Сени барпо этяпман. Сени бошқатдан қандай бўлишингни хоҳласам, шундай қайта қуряпман. Сени қайта яратганим сари ўзим нураб боряпман, кундан-кунга ўзим қулаяпман, эскирган уйга ўхшайман. Баъзи тунлари кўзгуга кўзим тушиб қолса, ўзимни танимайман. Афтим афтодаҳол! Мен шоирдан кўра кўпроқ қурувчига ўхшайман. Сени бошқатдан, заррама-зарра тиклаётган қурувчига. Бу ишнинг қанчалар азоб эканлигини билсайдинг... Қандай даҳшат оғриқ эканлигини тасаввур қилолсайдинг! Йўқ, сен бунга қодир эмассан. Сендаги юрак жуда майда! Сен ҳаёт қийинчиликларидан ўтаётган пайтинг заррачага бўлиниб кетгансан. Менимча, ўша пайт юрагинг ҳам майдаланиб кетган. Руҳинг ўлган. Тирилмайдиган бўлиб ўлган! Бу Сенинг ўзингга билинмайди. Мен ҳам кейин билдим, кейин кўриб қолдим. Кўриб қолган пайтим, кўзларимни қаттиқ юмиб олдим ва яшашда давом этавердим. Ҳозир ҳам ҳарфлар билан ўйнаяпман, атрофим тўла сўз! Саккиз йил ёзмаган кунларим эвазига Аллоҳ саксон йилнинг дарду ҳасратларини ҳам қўшиб бергандай. Бунинг нима эканлигини билсайдинг... ҳеч йўқ, тасаввур қилолсайдинг. Ҳозир яна ҳарфлар ичидаман, қўлим-қўлимга тегмайди. Сўзнинг карвони саф тортган, қўлларида қурол ушлаган аскарларга ўхшайди гўё. Мен бир нарсани аниқ биламан, сени қуриб битказган куним ўзим адо бўламан. Аммо мен шунга ҳам розиман. Сени тикласам бўлди. Сени Менда нафас олаётганингни ҳис қилсам ва худди ўзимнинг болам каби атрофимда ўйноқлаб юрганингни кўришдан бошқа орзум йўқ. Майли, мен ишимни қилай...

*1999 йил, июнь*

* * *

Энди сен бошқа кемалардасан!

“Кема кетиб бўлди”. Қаерга кетди у? Қайси тарафга? Мен қаерда қолдим? Сиз-чи? Мен чўкиб кетдимми, ғарқ бўлиб кетдимми сувнинг остига? Сиз... бошқа кема топдингизми? Ва омон қолдингизми у билан? Фақат яхшилаб қарадингизми, Сиз топган кема дарз кетмаганми? Бирор жойидан лат емаганми, бус-бутунми ишқилиб! Мен шундан хавотир оляпман! Чунки Мен бу ҳаётнинг тўлқинлари билан узоқ ўйнадим. Севги мени ҳар кўйга солди. Менга сув билан ҳаводан ҳам кўпроқ кераксан, дердинг, сув билан ҳавонинг қаҳри келган экан! Сув билан Ҳавонинг қаҳри ёмон бўларкан, бизни ғарқ этди! Аммо осон бўлмади... Мени чўктиргунча ўзи ҳам анча-мунча ҳолдан тойди! Менинг кўзёшларимга аввал сувнинг ўзи ғарқ бўлди! Ҳавонинг нафаси ичига тушиб кетди... Ҳаёт бир четда биздан кўзини узмай қараб турди! Ким билсин, қарамай қолган пайтларимизда, балки йиғлаб ҳам олгандир бизга раҳми келиб. Ўзини ўлдирмоқчи ҳам бўлгандир, балки. Юраги бўлса, бизга қараб туролмаслиги аниқ. Ҳар тарафга дод солиб югуриши, дунёни бошига кўтариб чир айланиши аниқдан ҳам аниқроқ эди! Чунки мен бу ҳаётни жуда ҳам бешафқат деб ўйламайман! Бешафқат бўлса, Сен туғилмасдинг! Бераҳм бўлганда, бизлар учрашмас эдик... Тўғрими, ўзинг айт, ўзинг менинг гапларимни тасдиқлаб турардинг-ку киприкларингни пирпиратиб, яна бир марта шу қиёфангни кўргим келяпти, яна бир марта.... охирги марта! Оҳ, Худойим, мен нималар деяпман? Ахир сен бошқа кемадасан-ку! Мен бўлса, ўз севгисига ғарқ бўлган одам бўлсам! Фақат тўлқинларга эҳтиёт бўл! Тўлқинларга ким билан ўйнашишнинг фарқи йўқ экан... Илтимос, эҳтиёт бўл!

*1990 йил, август*

* * *

Атрофимдаги ҳамма нарса Сиз эдингиз...

Сиз менинг бутун дунёмни ўзингизники қилиб олдингиз! Ҳеч йўқ, бир оғиз сўраш керакмасмиди? Ҳеч йўқ, бир жумла айтиб хат юбориш мумкин эмасмиди?... Биз бу ҳаётдан ўч ололмаймиз, биз бу ҳаётни олдимизга солиб қуволмаймиз! Биз ҳеч ким билан уришолмаймиз! Энг қизиғи, айбимиз ҳам йўқ, гуноҳимиз ҳам! Фақат Худонинг олдида қарзимиз бор, ҳеч қачон унутиш мумкин бўлмаган қарз! Бир тасаввур қилиб кўринг, Сиз қаерда туғилдингиз, мен қайси дунёни макон этдим? Иккимиз, икки хил Дунё одамларимиз! На одамлари ўхшайди, на шаклу шамойили! Аммо мана шу икки дунё бир нуқтада бирлашди! Ҳамма нарса Худога осон экан! Агар марҳамат кўрсатаман, деса шундай осонлик билан истаганингни ёнингга келтириб қўяркан! Биласиз, киприкларингиз менга жуда ёқади. Кўзларингизни-ку жинниси эдим! Иккимиз йиғлаган вақтлар улар шу қадар чиройли бўлардиларки, қараб, нега йиғлаётганимни эсимдан чиқариб қўярдим. Кўзларингиздан дур тўкиларди... кўзларингиздан нур тўкиларди! Мен уларнинг меники эканлиги ҳақида ўйлаганимда бу дунёга сиғмасдим. Улар менга ҳаётдан, битта эмас, минглаб ҳаётдан кўра кўпроқ керак эди... Биз кўчада юрганимизда ҳамма бизга қарарди... ёки бизга шундай туюларди! Биз оёғимизни ерга қўймасдик, ҳаволарда учиб-учиб борардик! Дарахтлардан тўкилаётган япроқлар шунчаки япроқлар эмасди... Улар бизнинг келишимизни билган, баҳордан шу кунгача бизлар учун тайёргарлик кўрган, аммо бизни кўрганда ўзларини йўқотган, нима қилиш кераклигини унутган байрам аскарлари эди... Ўша кун эсингиздами, йўлимиздан бир мушукча чиқиб қолгани. Сиз жуда меҳрибонсиз ёки менинг олдимда ўзингизни шундай кўрсатмоқчи бўлдингиз, уни эҳтиёт қилиб бошини силадингиз... У ҳам қочиб кетмади... Бошини қўлларингизга суйкалай бошлади... Мен йўлни давом эттирдим, акс ҳолда мен Сизни мушукчадан қизғанаётганимни билдириб қўйишим мумкин эди. Сиз кулгуларингизни юзингизда ифода этганча ортимдан эргашдингиз, одамлар бизга ҳавас билан қараётганларини айтдингиз... Мен ҳайрон қолдим... Чунки мен ҳеч кимни, ҳеч нарсани кўрмасдим! Атрофимдаги ҳамма-ҳамма нарса Сиз эдингиз!

*1990 йил, октябрь,*

*Талабалар шаҳарчаси*

* * *

Мени бу Дунёга ишонманг! Мени бу Дунёга қолдириб кетманг. Шамоллар синдириши мумкин кўнглимни! Ёмғирлар чўктирар ернинг остига. Наҳотки, наҳотки билмадингиз, ҳар бир инжиқлигимда, ҳар бир сўзимда муҳаббат борлигини, муҳаббат яширинганини! Соғинч мени кундан-кун адойи тамом қилаётганини, наҳотки, билмадингиз? Мен кимга айтишим мумкин эди бу ҳақда? Энг ишончли одам — Онам мени тушунмаганда, яна кимга оғиз очишим мумкин эди? Ўзингиз айтганингиз каби, бу ҳаётни ушлаб туролмаймиз-ку... Бу дунёни олдимизга солиб қуволмаймиз-ку... Ҳаётнинг оёқларига бош қўяйми? Дунёнинг этакларига осилайми? Нима қилай, нима десангиз, ҳаммасини қиламан! Мен энди буткул мен эмасман! Бошқа одамман! Бошқа одам бўлиб туғилдим бугун! Сиз мени қандай кўришни истасангиз – Ўшаман! Энди мен Сиз истаган одамман! Сизнинг истагингизман! Энди мен Сизман!

*1990 йил, октябрь*

* * *

Кечикишим мумкин...

Исмимни айтиб чақирган ўша кунингдан кейин мен хаёлларимдан ҳам хижолат тортмай қўйдим. Сени йўқотиб қўйдим! Йўқ! Мен бунга асло ишонмайман! Мен Сени қайтадан яратдим. Сен аниқлашдинг! Мен энди ҳамма жойда Сени танийман! Сен буткул Меники бўлдинг. Меники эканлигинг билан фахрланаман. Неча йиллар бўлди, мен ўзимдан кетдим. Ва ўзимдан кетиб Сени топдим. Кетаётиб кимгадир айтиб қўйиш истагида атрофимга жовдираганларим эсимда, аммо ҳеч ким йўқ эди. Ҳамма ўзи билан банд... Ҳозир ҳам қаергадир кетиб бораётганимни айтиш учун одам тополмайман. Ҳеч йўқ қўлимдаги калитни олиб қоладиган одам йўқ. Эртага қидириб қолишлари мумкин. Мен ўзимни ўйламаяпман. Болалигимда, дарвозамиз олдида бир кичкина дарахт бўларди, биз калитни унинг шохлари ичига яшириб қўярдик. Бир куни укам эшикни қулфлаган ва калитни қаерга қўйишни билмай, (балки дарахтга бўйи етмагандир) калитни бир тошнинг остига «яширган» ва бир қоғозчага «калит тошнинг тагида» деб ёзиб эшикка ёпиштирган ва мактабга кетган. Укам энди ёзишни ўрганаётган эди, унга ёзиш жуда қизиқ эди. Унинг қийшиқ ҳарфлар билан ёзилган ўша сўзларини эсласам, юзимда кулги пайдо бўлади. Баъзан ўзим ҳам шундай қилсаммикан, деб ўйлайман, вақт оз қоляпти, шошяпман, ахир! Калит қолдирадиган одамни қидириб топгунимча, кечикиб қолишим мумкин...

*2017 йил, апрель*

* * *

Мен Сендан кетдим!

Мен Сендан Сен билан кетдим. Хабаринг борми? Менимча, хабаринг бўлмаса керак... Шундай бўлиб қолди. Хафа бўлмайсан... Хафа бўлсанг, олдинроқ ўйлашинг ва бу Дунёда менга дуч келмаслигинг керак эди. Энди иложи йўқ, Сендан Сенга Сен билан бораман! Мени кечир! Сендан кетсам ҳам Сен билан Сенга кетаман! Мен ҳам олдинроқ билмадим, бу Дунёда Сенга дуч келмаслигим керак экан... Мениям кечир!

*1990 йил, май*

# Галерея:

## Машҳур мусаввир Маҳмуд Музаҳҳиб ижодидан намуналар



*А.Навоий портрети (1538)*



*Султон Санжар ва кампир (1538-46)*



*Боғдаги зиёфат (1561)*



*Кураш устаси ўз шогирдига мағлуб бўлди (1543)*

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН**

# БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Икуо Хираяма Халқаро маданият карвонсаройида элчихона вакиллари, таниқли рассомлар, санъатшунослар, устозлар ва ўқувчилар иштирокида "Тошкент қувончлари" VIII Халқаро болалар расмлари Биенналесининг якунига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Ўн бешга яқин мамлакат болалари ижодини жамлаган мазкур кўргазмада икки ярим мингдан ортиқ расмлар намойиш этилди. Она Ватанга, табиатга меҳр-муҳаббат, дўстона муносабатлар, улуғвор тарихий обидалар, болаларга хос самимият, беғуборлик билан чизилган расмлар санъат ихлосмандлари ва пойтахтликларга хуш кайфият бағишлади. Бу йилги кўргазмадан ўрин олган расмларни кўздан кечирганда, қозоғистонлик болаларнинг фаоллиги кўзга ташланди. Йилдан-йилга нуфузи ошиб бораётган мазкур танловга келиб тушаётган расмларда болаларнинг ижодий маҳорати ўсиб бораётганини кузатиш мумкин. Бу каби кўргазмалар, албатта, болаларнинг ижодий ўсишига, ўзига ишончи ортишига омил бўлади. Ҳафта мобайнида болаларнинг ижод намуналарини йўналишлар бўйича ажратиб, таҳлил қилган ҳакамлар ҳайъати ўз хулосаларини эълон қилди.

Биенналенинг бош соврини — Гран-при "Халқимнинг куйи" расми муаллифи, қозоғистонлик Виктория Белицкаяга насиб этди. Боликнинг беғубор оламини, дунё манзараларини ижодий ишларида самимий ифода этган Раиса Розанова (Польша), Манар Мансуор ал-Салими (Уммон), Кочафан Суантан (Таиланд), Юлия Зеленик (Беларус), Одина Раимқулова (Ўзбекистон), Амина Шарип (Қозоғистон), Мария Серёдкина (Россия) каби ёш истеъдодлар олтин медалларга муносиб топилди. Танловда муваффақиятли иштирок этган қирқдан ортиқ ёш рассом кумуш ва бронза медаллари ҳамда халқаро биенналенинг дипломлари, эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Болалар гуруҳлари томонидан ижро этилган қўшиқ ва рақслар тадбирга шукуҳ бағишлади.



*Виктория Белицкая: "Халқимнинг куйи" (Қозоғистон)*



*Поёнбек Абдураҳимов: "Менинг юртим" (Ўзбекистон)*

**Сарвара ҚОСИМОВА**

## Таваллуд кунлар



**Толиб Ҳожиев** – 25 декабрь (1959) – Ўзбекистон давлат сатира театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.



**Замира Рўзиева** – 26 декабрь – шоира.



**Тоҳир Малик** – 27 декабрь (1946) – Ўзбекистон халқ ёзувчиси.



**Дони Зокиров** – 28 декабрь (1914) – композитор, созанда, дирижёр, Ўзбекистон халқ артисти.



**Ғафур Қодиров** – 28 декабрь (1958) – Ўзбекистон Бадиий академияси ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон халқ рассоми.



**Рихсихон Иброҳимова** – 29 декабрь – Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистон халқ артисти.

## Шақарханда

* * *

*Марк Твен бир газета муҳарририга ҳикоя ёзиб беришни ваъда қиладию, аммо ҳамиша нимадир бунга халал берарди.*

*— Афв этасиз, — деди бир куни муҳаррир. — Шундай буюк инсон ҳам алдайдими?*

*— Мен қанақасига буюк бўлай? — ҳайратланади Твен.*

*— Ахир, сиз Америка учун Робинзон Крузонинг ўзисиз-ку, номаълум оролни илк бор кашф этиб, янги ҳаёт яратган.*

*— Кечирасиз, мен билан Робинзон орасида катта фарқ бор, — жавоб берди Твен ўйлаб. — У умри давомида биргина Жумавой билан суҳбатлашган, мени эса, ҳафтасига еттита Жумавой безовта қилади.*

* * *

*Бир гал Эйнштейннинг дарсида тингловчилар буюк кашфиётлар қандай содир бўлиши ҳақида сўраб қолишди. У бироз ўйлангач, жавоб берди:*

*— Масалан, ҳамма нарсани маълумдай, кашфиёт қилиб бўлмайдигандай туюлади. Бироқ ҳамма билган нарсадан хабари йўқ бир нодон чиқади. Худди ўша кашфиёт қилади.*

**ЯНГИ НАШР**



Бекободлик шоир Ашурали Боймуродов аслида адабиёт ихлосмандларига ўзининг шеърий китоблари билан таниш. Шоирнинг ўн бешдан зиёд шеърий китоблари ўз ўқувчиларини топган. Жумладан, унинг "Табиат сеҳри", "Сайҳун соҳилидаги шаҳар", "Садоқат", "Соғинч" асарлари ўқувчилар орасида севимли бўлишга улгурган. Айниқса, "Онагинам" шеърий романи ва "Мулоқот" номли достони унинг ижодида алоҳида ўрин тутади.

Яқинда А.Боймуродовнинг "Шамол эсган оқшомда" номли китоби чоп этилди. Китобдаги қисса ва ҳикоялар ўқувчи томонида севиб ўқилишига шубҳа йўқ.

**Николай ИЛЬИН**

# БУ ДИЁРДА БАХТГА ЭЛТАР ЙЎЛ



### ГУМБАЗЛАРИ ҒУНЧАДЕК ДИЁР

**Минорлари гул новдасидек
Гумбазлари ғунчадек диёр.
Туркий сўз рангларин шоирлар
Кашф айлагай бу юртда бисёр.**

**Кўз қамашар чароғон нурдан,
Кўкка кашта солар юлдузлар.
Эриб кетар иссиқ меҳрдан
Юракка нақш этилган сўзлар.**

**Кенгликларда терлаб пиёда
Уфққа ёнбошларкан олиб тин
Сохий офтоб сочар зиёда
Дарахтларнинг бошидан олтин.**

**Бунда меҳр, бунда муҳаббат,
Бу диёрда бахтга элтар йўл.
Бунда ҳаёт гўзал бағоят,
Умр кўрдим жуда узоқ, мўл.**

**Ўртаниб илоҳий туйғу садога,
Ловуллаб янграйди шеъримнинг сўзи:
Ишонгайман ёлғиз қодир Худога,
Ишонгайман ёлғиз қодир Худога,
Менга ишонасан қачон сен ўзинг!**

### ҚАНОТЛАР ШАРПАСИ

**Яланг тўшим босиб қуёшга – чўққа,
Куйдим, умид қилдим бесўз, бенидо –
Фикримни ташладим тубсиз қудуққа,
Сув шодон шалоплаб берди акс-садо.**

**Муздай сувдан қониб ичдим бир карра,
Мириқдим, қарадим сувнинг ичига.
Кўрдим, қуёш нури заррама-зарра
Сингиб кетган эди ҳар бир томчига.**

**Уйғондим, ҳайратда қолдим ногаҳон,
Ортга қайтиш йўли бўлганди ғойиб.
Кўз ўнгимда гўзал, сеҳрли бўстон
Гуллади навбаҳор бўлиб ажойиб.**

**Меҳр қуёши бор ёруғ жаҳонда,
Ёвузлик кўнгилга сололмас соя.
Қанотлар шарпаси келар осмондан,
Нажот фариштаси қилар ҳимоя.**

### ҲАЖ

**Саждага ундайди кучли ишқ – туйғу,
Кўнглингга интилдим мисли парвона:
Бу гўё Каъбага бормоқдек орзу,
Бу гўё Каъбага бормоқдек орзу,
Сен учун қургайман ибодатхона.**

**Дилим гумбазида янграгай овоз,
Жамолинг мадҳ айлаб куйладим ҳар дам.
Саждага бош қўйиб ўқийди намоз,
Сенинг масжидингга ким қўйса қадам.**

**Менинг юрагимда ёнар муҳаббат,
Тинмай садо бериб туради имон:
Ғайридинни динга қилмоқ-чун даъват,
Ғайридинни қилмоқ учун мусулмон.**

**Меҳроб ойнасидан кўргач кўзингни,
Хаёлан ҳис этдим кўрку камолинг:
Сенинг мангу сўнмас офтоб юзингни,
Ўртаб қатл этгувчи ҳусну жамолинг.**

**Муҳаббат йўлида жоним садаға,
Васлингни кутаман зору интизор,
Масжидингда нолам етгай Худога,
Масжидингда нолам етгай Худога,
Менинг юрагимда яшайсан, дилдор.**

### СЕН ВА МЕН

**Ҳамма айтар, теран кўзларинг
Ўхшар эмиш зангор осмонга –
Осмон деййман кўзингни мен ҳам.**

**Ҳамма айтар, киприкларинг – ўқ,
Нақд юракка қадалар эмиш –
Бу ўқ яралаган мени ҳам.**

**Ҳамма айтар, сумбул сочларинг
Тўлқин эмиш, шаршара эмиш –
Дарё деййман сочларинг мен ҳам.**

**Ҳамма айтар, нозик бармоқлар
Уйғотармиш нозик ҳисларни –
Шу туйғуга асирман мен ҳам.**

**Ҳамма айтар, аёл юраги
Доим сирли, доим номаълум –
Тушунмайман умуман мен ҳам.**

**Сен ҳаммадан ўзгача, танҳо...
Мен ҳаммадан эмасман бошқа...**

* * *

***Шошилган киши ҳаёт эгасидир.***

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур*

**Дўстим, кечикишни қилмагин одат,
Ҳечқиси йўқ, агар кечиксанг ошга.
Висолга кечиксанг ёмондир, албат
Севгилинг кўзлари тўлади ёшга.**

**Кечикиш ёмондир элга хизматга,
Назм, наво, санъатга кечикиш ёмон –
Бефарқ бўлма Аллоҳ берган неъматга,
Истеъдод уволи ургай бегумон.**

**Кечикиш ёмондир бахтли тақдирга,
Ўз бахтингни ўзинг қилгайсан обод.
Тезроқ шошилмасанг тўғри фикрга,
Бефарқлик умрингни айлагай барбод.**

**Ўзлигинг топишга кечиксанг ёмон,
Ўзингни йўқотсанг – топа олмайсан.
Яшаб юрасану жисминг соғ-омон,
Руҳинг соғ бўлмаса, омон қолмайсан.
Ҳаётинг бамисли кимсасиз кулба
Кар вақтга қопқасин очар беҳуда.**

*Рус тилидан Рустам МУСУРМОН таржимаси*

## Маънавият дафтари

Бизга ҳар қандай вақт етади, қачонки биз уни тўғри тақсимлай олсак.



***ГЁТЕ***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги "Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ф-5598-сонли фармойишининг 19-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қатағон қурбони бўлган ватандошларимиз ҳаёти ва фаолияти, ўша пайтларда мамлакатимизда ҳукм сурган мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар, муайян тарихий воқеалар ҳақида
**энг яхши асарлар ижодий танловини эълон қилади.**

Тақдим этилган ижодий ишларда дунёда глобал хавф-хатарлар кучайиб бораётгани туфайли миллий ўзликни англаш ва ҳақиқий тарихимизни тиклаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этаётганлиги ёрқин акс этиши шарт. Шунингдек, мустабид тузум томонидан шафқатсиз қатағон қилинган давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намояндаларининг, оддий касб эгаси бўлган минглаб юртдошларимизнинг номлари ва хотираларини абадийлаштириш, уларнинг жасорати ва матонати мисолида ёш авлодимизни Ватанимиз ва халқимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ижодий ишларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этиши лозим.

Асарлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ариза билан тақдим этилади.

Тақдим этиладиган асарлар 2 нусхада (электрон варианти билан), компьютерда 1,5 интервал, 14 шрифтда кўчирилган бўлиши зарур.

Танловда барча ижодкорлар иштирок этиши мумкин.

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Белгиланган тартиб бўйича тақдим этилмаган асарлар кўриб чиқилмайди.

Тақдим этилган асарлар муаллифларга қайтарилмайди.

Танлов ғолиблари махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилардан ўзи ҳақидаги қисқача маълумот (паспорт нусхаси, фаолиятига оид маълумотнома) ҳамда ижодий ишларини **Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси** *(Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, Адиблар хиёбони)*га топширишлари ёки уюшмага келмасдан маълумот ва материалларнинг электрон нусхаларини **(97) 326-80-33** телеграм рақамига юборишлари сўралади.

**Асарлар 2021 йилнинг 1 августигача қабул қилинади. Ғолиблар 31 август Қатағон қурбонлари хотираси куни арафасида эълон қилинади.**




**O‘zbekiston adabiyoti va san’ati**

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

*Муассис:* ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

*Ҳамкоримиз:* imzo akfa

Бош муҳаррир **Салим АШУРОВ**

***Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.***

**Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ**
**Навбатчи муҳаррир: Абдумажид АЗИМОВ**
**Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ**

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 5014. Буюртма Г - 1255.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: **Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 22.45.

**ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**
**Сотувда нархи эркин.**

ISSN 2181-614X

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42* *Санъат бўлими: 233-56-40* *Назм ва наср бўлими: 233-58-60*